Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 24 ноябрь 1973 йил, шанба ◆ № 276 (15.750). ◆ Баҳоси 2 тийин.

МУДДАТИДАН ОЛДИН

Ўзбекистон саноати ходимлари тўққизинчи беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили бўлган 1973 йил планини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақага қўшилиб, маҳсулотни реализация қилишнинг январь-ноябрь планини муддатидан олдин — 23 ноябрда адо этдилар. Маҳсулотнинг бир қанча муҳим турларини ишлаб чиқариш плани оширилиб бажарилди. Ноябрь охиригача икки юз миллион сўмликдан ошиқроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

САНОАТЧИЛАР ЮТУҒИ

Тошкент области саноат корхоналарининг меҳнатчилари беш йиллик топшириқларини муддатидан аввал бажариш учун бошланган социалистик мусобақани кенг авж олдириб, товар маҳсулотини реализация қилиш ва энг муҳим буюмларнинг кўпчилигини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган ўн бир йиллик планни 23 ноябрда бажардилар. Ноябрнинг охиригача неча ўн миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, реализация қилинади.

Республика пойтахти индустрия синининг меҳнаткашлари ҳам шу куни ўн бир йиллик топшириқ бажарилганлиги тўғрисида рапорт бердилар. Ленин, Ҳамза, Октябрь, Собир Раҳимов ва Куйбишев районлари саноат корхоналарининг коллективлари план ва мажбуриятларни бажаришда яхши муваффақиятларга эришдилар. (ЎзТАГ).

АНДИЖОНЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ

Андижон шаҳридаги саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXIV съездининг қарорларини амалга ошира бориб, уч йиллик планни маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича муддатидан олдин — 20 ноябрда бажардилар.

Ленинск шаҳар саноат корхоналарининг меҳнатчилари ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини, маҳсулотни реализация қилиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича беш йилликнинг уч йили учун белгиланган топшириқларини бажарганлиги тўғрисида рапорт беришди. (ЎзТАГ).

БЕШ ЙИЛЛИК МАРРА

Наманган шойи ва костюмбоп газламалар комбинатининг машҳур ишчилари: тўқувчи В. Лисина, пишитувчи А. Баҳромова ва мастер ёрдамчиси В. Ломанин 1975 йил программасини бажариб бўлдилар. Ҳозир корхонада 45 тўқимачи ўнинчи беш йиллик календари бўйича меҳнат қилмоқда. Оммавий касблардаги яна 300 та яқин ишчи шахсий беш йиллик планларини бажариш арафасида.

Комбинатда илғорлар мусобақасига республиканинг машҳур йигирувчиси, СССР Олий Совети нинг депутати Д. Тошпўлатова бошчилик қилмоқда. У Тошкент ва Марғилондаги машҳур тўқимачиларнинг ташаббусини маъқуллаб, нормадагидан 1200 та кўп — 2000 та урчуққа хизмат қила бошлади. Йигирувчилардан М. Қўзибоева, Н. Бурова, С. Каирова, Р. Матвеева ва бошқалар ундан ибрат олиб ишлашмоқда. Кўп станокчилар ҳаракати туфайли комбинатда меҳнат унумдорлиги беш йиллик бошидан бери қарийб икки баравар ошди. Газламаларнинг сорти эса 15—18 процент яхшиланди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуотда кўп йиллар, самарали ишлаганлиги ҳамда «Хорезмская правда» область газетаси чиқабошлаганлигининг 50 йиллиги муносабати билан шу газетанинг қуйидаги алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларини, ишчи ва қишлоқ мухбирларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирлади. **Агапкин** Николай Михайлович — редактор ўринбосари, **Отажонов** Бекжон — Шовот район Шовотқалъа қишлоқ Совети кутубхонасининг мудири, кекса қишлоқ мухбири, **Бочкарев** Геннадий Васильевич — қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири, **Жаркова** Вероника Григорьевна — масъул секретарь ўринбосари, **Ёнгулатова** Азалия Алимовна — партия турмуши бўлимининг катта адабий ходими, **Искандеров** Рустам Бойтаевич — масъул секретарь, **Нодиров** Илья Отауллаевич — редактор ўринбосари, **Плужникова** Анна Ивановна — меҳнаткашлар хатлари бўлими мудири, **Тихомирова** Нина Валентиновна — адабий ходим, **Торговина** Мария Николаевна — катта адабий ходим, **Жуманиёзова** Амина — Хоразм область босмахонасининг ҳарф терувчиси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Республика матбуотини ривожлантириш хизматлари учун ва «Хорезмская правда» область газетаси чиқа бошлаганлигининг эллик йиллиги муносабати билан «Хорезмская правда» область газетасининг редактори Владимир Семенович **Мильготинга** ва Хоразм область босмахонаси ҳарф териш цехининг мастери Жуманиёз **Ражабовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» Фахрий унвони берди.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЙИЛ ТОПШИРИҚЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРАЙЛИК!

УЛКАН ЗАФАРЛАР, АНИҚ РЕЖАЛАР

Республикамиз пахта тайёрлаш юзасидан 1973 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятини шараф билан бажарди, она Ватанга 4 миллион 900 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилди, бу халқ хўжалик планида кўзда тутилганидан 455 минг тонна кўп. Бутуниттифоқ хирмонига топширилган ғахтанинг 2 миллион 700 минг тоннага яқини ёки етиштирилган ҳамма ҳосилнинг 55 процентини «зангори кема»ларда терилди. Республикамиз бўйича ҳар гектар майдондан 29,1 центнердан ҳосил олинди. Умумий пахтанинг 90 процентини биринчи сортларга қабул қилинди. Беш йилликнинг уч йилида плондан ташқари 1 миллион 285 минг тонна кўп пахта берилди.

Ялпи пахта тайёрлашда ҳам, машина теримида ҳам пахтачилик тарихида биринчи марта шундай яхши кўрсаткичга эришилди. Пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг Тошкентда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев иштирокида ўтказилган йиғилишида қабул қилинган социалистик мажбурият оширib бажарилди. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига йўллаган табриномасида бундай дейилади:

Давлатга биринчи марта бу қадар кўп миқдорда пахта сотилганлиги республиканинг КПСС XXIV съездининг мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва совет халқининг фаровонлигини юксалтириш соҳасидаги Директиваларини муваффақиятли равишда бажариш ишига қўшган катта ҳиссасидир.

Эришилган муваффақиятлар Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ходимлари ҳамда барча меҳнаткашлари қилган фидокорона меҳнатнинг, республика партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳамда хўжалик органлари олиб борган катта ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг натижаси бўлди.

Партия ташкилотлари раҳбарлигида давлати. мизнинг катта моддий-техника ёрдамига таянилган ҳолда олиб борилган бир йиллик ишимиз ана шундай қувончли якунланмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев партия-хўжалин активи йиғилишидаги сермазмун ва ёрқин нутқида мамлакатимиз бўйича етиштириладиган 7 миллион 520 минг тонна пахтанинг 4 миллион 850 минг тоннасини Ўзбекистон пахтакорлари тайёрлайдилар, деб ишончи билдирган эди. Республикамиз меҳнатчилари тайёрлов ташкилотларига тўрт миллион тўққиз юз минг тонна дурдона топшириб, Коммунистик партия, совет халқи, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневга берган сўзининг устидан чиқдилар, ваъдасига вафо қилдилар Бу Ўзбекистон партия ташкилотлари КПСС XXIV съезди ва партия Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш соҳасида олиб бораётган оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларнинг улкан самарасидир.

Пахта йиғим-терими қизғин паллага кирган нозда ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентга келиши ва республикамизга Халқлар дўстлиги орденини топшириши меҳнат аҳлини янги зафарларга руҳлантирib юборди, ишчилар, зиёлилар, студентлар, мактабларнинг ўқувчилари — ҳамма пахтакор деҳқонлар билан бир сафда туриб, катта ўзбек «оқ олтини»ни учун алп қадамлар билан юриш бошлади. Халқ қудрати — ҳамма нарсадан кучли. Ҳамма бир жон, бир тан бўлиб ишга киришгач, сентябрь ойининг дастлабки кунларидан бошлаб оқ зафар қуча бошладик, дастлаб бригадалар, бўлимлар, сўнгра колхозлар, совхозлар, районлар ғалаба рапортига имзо чекди. Ҳосил тақдирини ҳал қилувчи терим фасли ҳеч қачон бу йилгидек ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик, интизомлилик билан ўтмаган эди. Теримда партия ташкилотларининг роли, таъсир кучи, коммунистларнинг авангардлиги ҳар дақиқада сезилиб турди, социалистик мусобақа қудратли кучга айланди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисида қилган докладида бундай деган эди.

Биз шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашларига мурожаат қилиб, шу гапларни очиқ айтамиз: ўртоқлар, 1973 йил планини бажариш сизларга боғлиқдир! Ишчилар синфимиз, деҳқонларимиз, зиёлиларимиз партиянинг даъватига янги меҳнат зафарлари билан жавоб берадилар, беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун куч-ғайратларини аямайдилар, деб ишонамиз.

Ўзбек пахтакорлари эришган бугунги муваффақият машинасозлар ва селекционерлар, ҳимиклар ва транспорт ходимлари, шаҳар ва район марказларининг аҳолиси, студентлар ва ўқувчилар — пахтакорликни, авлод-аждодларимиздан қолган мерос, партиямиз улуғлаётган касб деб билган ҳамма кишиларнинг меҳнат ғалабасидир, бу касбни шарафлаш учун кураш ҳамманинг муқаддас бурчидир.

Оққўрғон райони 100 минг тонна пахта етказиб бериб рекорд қўйди. Ленин, Ленинград, Денов, Шўрчи, Пахтаобод, Янгиариқ, Тўрткўл, Жиззах, Мирзачўл, Боғот, Пахтачи, Шаҳрисабз, Избоскан, Учқўрғон ва бошқа қатор районлар пахта тайёрлаш социалистик мажбуриятларини бажардн.

1973 йил чинакам пахта йили бўлди. Лекин ўткан ҳосил ўз-ўзидан бунёдга келгани йўқ, уни, ўртоқ Л. И. Брежнев образли қилиб таърифлаганидек, олтин қўллар яратди. Бу йил фан-техника ютуқлари, прогрессив усуллар, бой тажрибалар ҳаётга дадиллик билан жорий этилди, пахта беда алмашлаб экиш кенг қўлланилди, олимларимиз яратган вилтга чидамли пахта навлари ҳосилдорликни оширишда ҳал қилувчи роль ўйнади, ирригация-мелиорация ишларининг яхшиланиши, механизациянинг ҳукмрон кучга айлантирилиши ана шундай юксак ғалабага эришишимизни таъминлади.

Эндилида пахтачиликни комплекс механизациялаш, химизациялаш йўли билан ҳар қачонгидан кўп пахта етиштириб, бой тажриба тўпладик. Партия ташкилотларининг муҳим вазифаси ана шу тажрибаларни атрофлича пропаганда қилиш ва оммалаштиришдан, босиб ўтилган йўлимизни таҳлил этиб, камчиликларни рўй-рост очиб ташлаш, унинг танқорланишига йўл қўймаслик, ютуқларни мустаҳкамлаш, резервларни тўла ҳаракатга келтириш чораларини кўришдан иборат.

Пахтачиликни, айниқса теримни комплекс механизациялаш ғалабамизнинг муҳим омили бўлди. Бу йил далаларимизда 28 мингга яқин машина ишлади, терим авжига чиққан кунларда 140-145 минг тоннадан «оқ олтин» тайёрланди. бу йиллик планнинг уч процентидан кўпрогини ташкил этди, Машиналар шарофати билан республикамизда пахта тайёрлаш халқ хўжалиги плани 26 октябрда бажарилди.


Бу йил 50 мингга яқин механизаторларимиз меҳнатда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. «Зангори кема» капитанларидан Обиджон Анбаров, Сервер Усейнов, Жиянқул Рустамов, Абдусаттор Қурбонов, Алижон Латипов, Тўлан Дадажонов, Комил Жуманиёзов. Бобошер Шовқиев, Қозоқ Камолов; Аҳмад Валиев. Қувондиқ Абдураззоқов, Умар Раҳабов, Исмат Ботиров, Юсуфжон Нуритдинов ва бошқа кўплаб даргаларимиз машиналар бункеридан 300-500 тонна, ҳатто ундан кўп дурдона тўкиб, қишлоқда марказий фигура деган фаҳрли номни шараф билан оқладилар.

Машҳур механизатор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова бошлаган ватанпарварлик ташаббуси кенг қулоч ёйди. Чинниҳол Худоёрова, Светлана Продан, Мукаррам Қурбонова, Зуҳра Ҳасанова, Изолат Бозорова, Матлуба Абдуллаева, Маҳкума Давлатова, Мейлиҳол Ғуломнабиева, Ҳалима Ҳошимова, Сафаргул Ёқубова каби хотин-қиз механик-ҳайдовчиларимиз терим машиналарининг қудратини бутун жаҳонга намойиш этдилар.

Республикамиз қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ходимлари ҳам катта зафарлар қучдилар. Дон, шу жумладан шоли тайёрлаш планлари ошириб бажарилди, давлатга бир йилда деярли саккиз йиллик планга тенг келадиган миқдорда маҳсулот топширилди. Чорвадорларимиз сут, гўшт, жун, қоракўл тери, тухум ва бошқа хил маҳсулотлар тайёрлашни қўлайтиришда катта муваффақиятларга эришдилар.

Ютуқларимиз катта, ғалабаларимиз улкан. Лекин қиладиган ишларимиз янада каттароқ, улканроқ эканини унутмаслигимиз керак. Борлиқ ҳосилни охирги граммигача йиғиб-териб олиш, кузги шудгорлашни бутун чоралар билан кучайтириш ва тез кунларда тамомлаш сира нечиктирио оулмаидиган вазифадир. Агротехниканинг кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ўтказилгандагина келаси йил мўл ҳосилига мустаҳкам замин яратилади. Трактorлар ва бошқа агрегатлар икки сменада ишлатилиши, трактorчиларга қулай иш шароити яратиб берилиши керак. Партия ташкилотлари халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида социалистик мусобақани кучайтирмоқлари лозим.

Партия ва ҳукуматимизнинг пахтакорларимиз меҳнатига берган юксак баҳоси республикамиз меҳнаткашларини КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишда янги зафарларга чорлайди.



Моҳира Жўраева Бухоро пиллакашлик фабрикасининг пешқадам ишчиларидан. У беш йиллик юзасидан шахсий топшириқни шу йилнинг июль ойида бажарганлиги тўғрисида рапорт берган эди. Моҳира Жўраевага коммунистик меҳнат зарбдори номи берилди. Суратда: Моҳира Жўраева.

А. Палехов фотоси.



Бу йил олтин кузнинг баракали дастурхони ҳар қачонгидан ҳам нозу-неъматларга мўл-кўл бўлди. Ҳалима Хайитова бошлиқ бригада аъзолари ҳеч қачон бунчалик кўп пахта етиштирмаган эдилар: 210 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 52 центнердан «оқ олтин» териб олишди. Ҳ. Хайитованинг ўзи «зангори кема» билан 290 тонна пахта терди. Бу Ҳалима Хайитова ишлаётган Поп районидаги Ленин номли колхозда яхши кўрсаткич ҳисобланади. Суратда: бригада бошлиғи Ҳ. Хайитова.

В. Сироткин фотоси.

Деҳқон бўлсанг шудгор қил!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 23 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — ҳайдалган майдон (минг гектар ҳисобида) учинчи стун — планнинг бажарилиш проценти		
Тошкент	196,4	93,4
Хоразм	6,3	78,3
Сирдарё	202,0	69,5
Самарқанд	131,5	63,8
Фарғона	41,7	42,0
Андижон	71,2	40,7
Сурхондарё	42,4	30,2
Наманган	35,3	26,2
Бухоро	45,5	24,9
ҚҚ АССР	12,3	18,1
Қашқадарё	24,9	17,6
Республика бўйича:	829,5	49,2

ЕРНИНГ ШЎРИНИ ЮВИШГА КИРИШИЛДИ

Гулистон районидаги «Коммунизм» колхози Мирзачўлнинг азалдан суғорилиб келган зонасида пахта далаларининг шўрини ювишга биринчи бўлиб киришди. Сувчилар учун барча зарур шароитлар яратиб берилган... Уларнинг ҳаммаси махсус кийим-кечак билан таъминланган, иссиқ овқат эса далага етказиб берилмоқда. Ернинг шўрини ювиш иши икки сменада олиб борилмоқда. Сирдарё, Боёвут ва бошқа районларнинг хўжаликлари ҳам кузги-қишки шўр ювиш ишларини авж олдириб киришмоқдалар.

Шўр ювиш арафасида агротехниклар ва мелиораторлардан бир группаси далаларда бўлишди. Улар ерларга баҳо бериб, қанчалик шўр босганлигини ва шўр ювишга канча сув кетишини белгиладилар. Мутахассисларнинг тавсияларига кўра, бу йил 82 минг гектар майдонда тупроқ шўри ювилади. Бу эса ўтган йили шўри ювилган майдондан анча камдир. Шўр ювиш иши самарали бўлганлиги натижасида кўпгина майдонларда бу агрономия усулини ўтказиш талаб қилинмайди.

Сирдарё областида ернинг шўрини ювишга Ўзбекистоннинг бошқа жойларига қарағанда олдинроқ киришилади. Бу ердаги тупроқнинг ўзига хос хусусиятлари, дейишди Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигида ЎзТАГ мухбирига, шуни тақозо қилади бу ерда одатда далалар ер ҳайдалгандан кейин ювилади.

Бухоро, Фарғона ва бошқа областларнинг колхоз ва совхозлари ҳам қишки шўр ювишга киришдилар. 800 минг гектар майдонда шу тадбирни амалга ошириш кўзда тутилади. Хоразм областида ва Қорақалпогистонда бу соҳада айниқса кўп иш қилинади. Бу ерда ёз фаслида ғўзалар суғорилганлиги натижасида ерни айниқса кўп шўр босади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИДА

Москвада СССР Олий Совети палаталарининг план-бюджет ва тармоқ комиссиялари томонидан тузилган тайёргарлик комиссиялари ўз ишларини давом эттиришмоқда. Бу комиссиялар халқ хўжалигининг барча йирик тармоқлари бўйича тузилган ва улар беш йилликнинг тўртинчи йили — 1974 йилда мамлакатимиз давлат плани ва бюджетининг асосий кўрсаткичларини дастлабки тартибда қараб чиқмоқдалар. Мунозараларда жами бўлиб 200 дан кўпроқ депутат қатнашмоқда.

Ёқилғи — энергетика саноати, металлургия ва геология бўйича тайёргарлик комиссияси ёқилғи тармоқларидаги аҳволни қараб чиқиб, нефтчилар, кўмир ва газ қазиб чиқарувчилар бу йилги ўн ойлик планни бажарганликларини қайд қилди. Депутатлар Тюмень областида нефть қазиб чиқариш саноати тез суръатлар билан ривожланаётганлигини мамнуният билан таъкидладилар.

Маълумки бу район беш йилликнинг охирида ҳар йили 125 миллион тонна нефть бериши керак. Комиссияга тақдим этилган материаллардан маълум бўлишича, янги қувватларнинг ишга туширилиши бу планни анча ошириб бажаришга имкон беради.

Бошқа комиссияларнинг мажлисларида бўлгани сингари бу комиссия ҳам эришилган муваффақиятларни таъкидлабгина қолмай, шу билан бирга айрим жойларда шу соҳалардаги ривожланиш суръатларини пасайтираётган камчиликлар тўғрисида ҳам ўз фикрларини билдирмоқдалар. Комиссияларнинг ишларида тегишли министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари ҳам иштирок этмоқдалар.

Машинасозлик бўйича комиссия аъзолари маҳсулот сифатини яхшилаш тўғрисидаги тавсияларни қараб чиқдилар, сифат белгиси қўйилган машиналар, механизмлар ва бошқа маҳсулотлар чиқаришни кўпайтириш зарур эканлигини айтдилар. Халқ маорифи, фан ва маданият, савдо, маиший хизмат ва коммунал-хўжалик бўйича, шунингдек соғлиқни сақлаш ва социал таъминот бўйича тайёргарлик комиссияларининг аъзолари бўлган депутатлар совет кишиларининг фаровонлигини оширишга доир масалаларга катта эътибор бердилар.

Қишлоқ хўжалиги бўйича тайёргарлик комиссиясида депутатлар, жумладан, фан ва янги техника муваффақиятларини қишлоқ хўжалигида татбиқ этиш қандай бораётганлиги тўғрисида доклад тингладилар.

Депутатлар иттифоқдош республикаларнинг планларини ва бюджетларини таҳлил қилдилар, иттифоқдош республикаларда ишлаб чиқарувчи кучлар қандай жойлашганлигини қараб чиқдилар.

СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг доимий комиссиялари хулосалари учун депутатларнинг план ва бюджет тўғрисидаги фикрлари, таклиф ҳамда мулоҳазалари асос қилиб олинади.

Тайёргарлик комиссиялари ўз ишини давом эттиришмоқда.

(ТАСС).

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Президиумининг 1973 йил 19 ноябрь фармонига биноан Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи кўп болали 322 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди ва уларга СССР Олий Совети Президиумининг «Қаҳрамон она» ордени ҳамда ёрлиқлари топширилди.

(ЎзТАГ).

РАСМИЙ АХБОРОТ

ИХТИРОЧИЛИК ИШИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Мамлакатда ихтирочилик ишини янада ривожлантириш, кашфиётлар, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларидан халқ хўжалигида фойдаланишни яхшилаш ҳамда фан-техника тараққиётини тезлаштиришда уларнинг ролини ошириш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда айтилади, илмий кашфиётлар, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларидан халқ хўжалигида кенг кўламда фойдаланиш фан-техника тараққиётини тезлаштириш ва юксак ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш вазифаларини ҳал этишга бердим беради ҳамда ўзининг техникавий иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан Ватанимизда ва жаҳонда эришилган энг яхши кўрсаткичлардан устун келадиган машиналар, асбоблар, материаллар ва технологик процесслар яратишга имкон беради, дейилади. Утган беш йил ичида халқ хўжалигида ихтиролардан фойдаланиш натижасида миллиард сўмдан ошиқ маблағ тежалди.

Шу билан бирга ихтирочилик ишларини ташкил этишда жиддий камчиликлар ҳам бор ва бу иш даражаси партия XXIV съезди қўйган вазифаларга тўла йўсинда жавоб бермаяпти. Министрликлар ва идоралар ишлаб чиқариш ҳамда чиқарилаётган маҳсулот техникавий даражасини оширишда ихтиро ва кашфиётлардан суст фойдаланяптилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети министрликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларининг зиммаларига:

ихтирочиликни янада ривожлантириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ихтирочилар ва рационализаторлар ижодий фаолияти учун тегишли шароитларни таъминлаш, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини амалга оширишда уларга ҳар томонлама ёрдам бериш;

авторларнинг таклифларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш ишларига уларни кенгроқ кўламда жалб қилиш, айни мақсадда зарур ҳолларда корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда лабораторияларга ва махсус группалар очиш вазифаларини юкладилар.

СССР Госплани, СССР Министрлар Советининг Давлат фан ва техника комитети, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, министрликлар ва идоралар кашфиёт ва ихтиролар асосида яратилувчи янги машиналар, асбоблар, ускуналар, материаллар ишлаб чиқаришни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш, технологик процессларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш вазифаларини уларнинг муҳимлиги ва аҳамиятига қараб давлат илмий-тадқиқот ишлари ҳамда халқ хўжалигида фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш лойиҳасига ҳамда иттифоқдош республикалар, министрликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар планларининг лойиҳаларига тегишли равишда киритишлари керак.

Министрликлар ва идоралар машина, асбоб-ускуна, материал ва технологик процессларнинг патент жиҳатидан софлиги таъминланишини назорат этиб туришни ташкил қилмоқлари лозим.

Москвада Бутуниттифоқ патент хизматлари маркази очиш мўлжалланади.

СССР Министрлар Советининг Давлат ихтиро ва кашфиёт ишлари комитетига шу йил ихтиро экспертизаси сифатини тубдан яхшилаш ҳамда ихтиро тўғрисида берилган даъвони кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш юзасидан кўриладиган чораларни амалга ошириш топширилди. Ихтирочилик, рационализаторлик ва патент-лицензия ишлари аҳволини, шунингдек халқ хўжалиги соҳаларида ихтиро ва рационализаторлик таклифларидан нечоғли фойдаланилаётганлигини мунтазам равишда анализ қилиб туриш вазифаси ҳам шу комитет зиммасига юклатилди.

Ихтирочилар ва рационализаторлар Бутуниттифоқ жамиятининг Марказий Совети ва унинг маҳаллий ташкилотлари ишлаб чиқаришда ихтиролар ва рационализаторлик таклифларининг ўз вақтида тарқатилиши ва улардан ночоғли фойдаланилаётганлиги устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш чораларини кўришлари керак.

Ихтиродан фойдаланиш факти тасдиқланганда унинг авторига биринчи авторлик гувоҳномаси билан бирга кўкракка тақиладиган нишон ҳам берилиши белгилаб қўйилди.

Мамлакатда ихтирочилик ишларини янада яхшилаш ва ривожлантириш борасидаги бошқа тадбирлар ҳам белгилаб чиқилди.

СССР Министрлар Совети кашфиёт, ихтиро ва рационализаторлик таклифлари тўғрисидаги низомни тасдиқлади.

Тасдиқланган низомга биноан кашфиёт, ихтиро ва рационализаторлик таклифларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, шунингдек мамлакатда ихтирочилик ва рационализаторлик фаолиятига раҳбарлик қилиш масалалари белгилаб берилган. Ихтирочилик ва рационализаторликни пул билан таъминлаш тартиблари ҳамда ихтирочилар ва рационализаторларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирлари белгилаб берилди.

Низом 1974 йилнинг 1 январида кучга киради.

КЎТАРИШ-ТРАНСПОРТ МАШИНА УСКУНАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Саноат, қурилиш ва транспортда кўтариш-транспорт, юк ортиш-тушириш ва омбор ишларини механизациялаш ва автоматлаштириш ривожлантиришни жадаллаштириш ҳамда уларнинг техникавий даражасини оширишни чоралари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда шу ишларни механизациялаш ва автоматлаштириш ривожлантиришни жадаллаштириш КПСС XXIV съездининг меҳнат унумдорлигини ва самарадорлигини ошириш юзасидан қўйган вазифалари муваффақиятли бажарилишининг энг муҳим шартларидан бири эканлиги айтилади.

Аммо кўтариш-транспорт, юк ортиш-тушириш ва омбор машина ускуналари ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳозирги вақтда халқ хўжалиги эҳтиёжларини таъминламаяпти. Турли тип лардаги конвейерлар ва юк ортувчи машиналар, контейнер кранлари, юк тақсимлагич, қувур ётқизувчи машина, омбор техникаси каби прогрессив машина-ускуна хиллари етарлича ясалмаяпти. Кўп юк сиғадиган контейнер ва автобетоновоз ишлаб чиқариш ҳанузгача йўлга солинмаган.

Шу ишларни механизациялаш воситаларини яратиш билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот ва лойиҳа конструкторлик ташкилотлари ишида жиддий камчиликлар бор.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети саноат, қурилиш ва транспортдаги кўтариш-транспорт юк ортиш-тушириш ва омбор ишларини механизациялаш воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришни тезлаштириш ҳамда уларнинг техникавий даражасини ошириш мақсадларида шу қарорда кўриладиган бир қанча тадбирларни белгилаб бердилар. Кўтариш-транспорт, юк ортиш-тушириш ва омбор ишларини механизациялаш ва автоматлаштирувчи асосий машина-ускуна турларини яратиш ва ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи бош министрликлар рўйхати тасдиқланди. Шу ишларни механизациялаш учун энг муҳим машина-ускуна турларини ишлаб чиқариш, шунингдек янгиларини яратиш ва уларни саноат кўламида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва эскириб қолган машина-ускуналарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш борасидаги топшириқлар белгилаб берилди. Қарорда кўтариш-транспорт, юк ортиш-тушириш ва омбор ишларини механизацияловчи ва автоматлаштирувчи воситалар ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётган мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш белгилаб берилган.

Қарорда кўзда тутилган топшириқлар бажарилишини таъминлаш борасидаги бошқа тадбирлар ҳам белгиланган.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари зиммасига, СССР министрликлари ва идоралари, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетлари зиммасига ушбу қарорга мувофиқ юкланувчи топшириқларнинг бажарилиши учун корхона, илмий-тадқиқот ва лойиҳа конструкторлик ташкилотлари ҳамда қурилишлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш вазифасини юклади. Улар кўтариш-транспорт, юк ортиш-тушириш ва омбор ишларини механизациялаш воситаларини ишлаб чиқариш, уларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва жорий этиш борасидаги, ишчиларни оғир қўл меҳнатидан озод этувчи энг муҳим социал-иқтисодий вазифалардан бири ҳал этилмоғи учун шу механизация воситаларини ишлаб чиқариш борасидаги ишга тушириш хусусидаги тадбирлар қандай бажарилаётганлигини қатъий назорат қилиб туришлари керак.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ВА КУНДАЛИК ТУРМУШДА ШОВҚИННИ ПАСАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР ҳукумати шаҳарлардаги ва аҳоли яшайдиган бошқа жойлардаги саноат корхоналарида шовқинни пасайтириш чоралари тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорда кам шовқин чиқарувчи технологик жараёнларни жорий этиш, зарур ҳолларда эса қаттиқ шовқин чиқарувчи машина-ускуналарга ишчиларнинг яқин туришига барҳам берувчи автомат ва дистанцион бошқариш воситалари қўллаш тадбирлари белгилаб чиқилган. Йўл юзини, трамвай йўлларини, шунингдек транспорт воситалари, технологик машина-ускуналар ва механизациялаштирилган асбоблардан фойдаланилганда ортиқча шовқин чиқармайдиган ҳолатда тутишни таъминлаш ҳам кўзда тутилади. Кечалари шаҳар ҳовлилари, кўчалари ва майдонларида санитария нормасида белгиланганидан ортиқча шовқин чиқарувчи ишларни бажаришни анча қисқартиришга, қатто тамомила тақиқлашга қарор қилинди.

Тегишли министрликлар ва идоралар 1973-1975 йилларда технологик машина-ускуналар, турли хил транспорт, машина, асбоб ҳаракат составн ва ультра товуш установкалари шовқин даражасини пасайтириш чораларини кўришлари керак.

Йўллар министрлиги, Денгиз флоти министрлиги, РСФСР Дарё флоти министрлиги, шунингдек корхоналари бевосита кириш йўлларига ва причалларга эга бўлган бошқа министрликлар ва идоралар аҳоли яшайдиган районларда темир йўл, денгиз ва дарё транспорти машиналари, механизмлари ва қурилмалари чиқарадиган шовқинни чеклаш борасидаги тадбирларни ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари, кечалари шовқинни пасайтиришга алоҳида эътибор беришлари лозим.

Граждан авиацияси министрлигига аэродром ва аэропортлар яқинидаги уй-жой районларида учадиган аппаратлар вужудга келтирувчи шовқинининг йўл қўйиладиган даражасини белгилайдиган давлат стандарти лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Товуш ўтказмайдиган, товуш ютадиган материаллар ҳамда дириллашни сўндирадиган юқори самарали мастикалар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш чоралари ҳам белгилаб чиқилди.

Химия саноати министрлиги 1974 йилдан бошлаб кишилари шовқиндан якка тартибда иҳоталовчи синтетик вкладиш ишлаб чиқаришни ташкил этмоғи лозим.

СССР Министрлар Советининг Давлат стандартлари комитетига кўплаб ишлаб чиқарилувчи ва ўзлаштирилувчи маҳсулотлар учун йўл қўйиш мумкин бўлган энг юқори шовқин даражасини чеклайдиган стандартлар ва техник шартларни жорий этилиши ва уларга риоя қилиниши устидан давлат назоратини кучайтириш вазифаси топширилди.

СССР Ички ишлар министрлиги автотранспорт воситаларининг техникавий аҳволи назорат этиб туришини таъминламоғи ва бу воситалар ишлаётганда шовқин чиқарувчи даражаси белгиланган нормаларга мувофиқ келишини таъминламоғи керак. СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги министрликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар корхоналарда, шаҳарларда ва аҳоли яшайдиган бошқа жойларда шовқинни пасайтириш борасидаги тадбирларни ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари борасида санитария жиҳатидан назорат қилишни кучайтирмоғи лозим. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЕРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Коммунистик тарбия ва педагог кадрлар тайёрлаш соҳасида эришган муваффақиятлари учун ҳамда ташкил этилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан В. И. Ленин номидаги республика хотин-қизлар педагогика билим юрти Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари
А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил 22 ноябрь,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада маданиятни ривожлантириш ҳамда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги хизматлари учун Тошкент олий партия мактаби КПСС тарихи кафедрасининг катта ўқитувчиси Газиз Алиакбарович Исеевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада опера санъатини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун А. Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрининг солисти Сасон Гаврилович Беньяминовга «Ўзбекистон ССР халқ артисти» фахрий унвони берди.

Планетамизда

ЯПОНИЯ БОШ МИНИСТРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ТОКИО, 23 ноябрь. (ТАСС). Япония Бош министри Какуэй Танака телевидение орқали гапириб, Исроил 1967 йилдаги уруш вақтида ўзи оккупация қилиб олган территориялардан мумкин қадар тезроқ кетиши лозим, деди.

Агар шундай қилинса, деди Бош министр, Япония ҳукумати ўзининг Исроил билан муносабатларини қайта кўриб чиқиши лозим бўлиб қолади.

Япония ҳукуматининг бундан олдинги эълон қилиниган баёнотида, Япония ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши Исроил қўшинларини оккупация қилинган ҳамма араб территорияларидан олиб чиқиб кетишни кўзда тутган резолюциясини қўллаб-қувватлайди, дейилган эди.

В. ШЕЕЛЬ ЛОНДОНДА

ЛОНДОН, 23 ноябрь. (ТАСС). Германия Федератив Республикасининг ташқи ишлар министри В. Шеель кеча расмий визит билан Лондонга келди. У Англия ташқи ишлар министри А. Дуглас-Хьюм билан музокаралар олиб боради, шунингдек бош министр Э. Хит билан учрашади. Олинган хабарларга қараганда, музокаралар кун тартибига Яқин Шарқдаги аҳвол, Ғарб мамлакатларидаги энергетика танқислиги, НАТО ва «умумий бозор» проблемалари, Ғарб билан Шарқ ўртасидаги муносабатлар сингари масалалар киритилган. Министрлар Европадаги хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг иккинчи босқичи ишини ҳамда Марказий Европада қуролли кучларни, қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисидаги музокаралар қандай бораётганлигини муҳокама қилсалар, керак деган фикрлар бор.

ОЧИҚ КОСМОСГА ЧИҚИШДИ

НЬЮ-ЙОРК, 23 ноябрь. (ТАСС). «Скайлэб» орбитал станцияси экипажининг аъзоларидан У. Поуг билан Э. Гибсон очиқ космосга биринчи марта чиқишни муваффақиятли тугаллашди. Улар очиқ космосда 6 соату 35 минут бўлиб, белгиланган ишлар планини бажаришди. Космонавтлар астрономия приборлари комплектидаги плёнкали кассетани алмаштиришди ва табиий ресурсларни тадқиқ этиш учун мўлжалланган приборлардан бирининг антеннасини ремонт қилишди.

Поуг билан Гибсон 23 ноябрь Москва вақти билан тахминан соат 3 дан 20 минут ўтганда орбитал станцияга қайтиб киришди.



ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Мамлакатнинг ҳамма бурчакларидан республика ишлаб чиқариш коллективлари эришаётган улкан ютуқлар ҳақида хабарлар келиб турибди. Шимолий Чехия кўмир ҳавзасининг кончилари пландан ташқари кўплаб кўмир етказиб бердилар. Суратда: пландан ташқари қазиб чиқарилган кўмир билан ишлаётган Почерадн электр станцияси.

ЧТК—ТАСС фотоси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ЛОНДОН. Англияда «энергетика қаҳатчилиги» жуда кескин сезилмоқда. Англия ҳукуматининг фармойишига биноан, сешанба кунидан бошлаб истеъмолчиларга сотиш учун бензин ва ёқилғи етказиб бериш 10 процентга қисқартирилган. Ҳукумат нефть маҳсулотларини ҳамда ёқилғининг бошқа турларини тақсимлаш ва нормаллаштириш устидан назорат қилиш ҳуқуқини берувчи қонун лойиҳасини парламентга топширди.

— Саноатнинг бир қанча соҳаларида ишлаб чиқаришни камида 3.5 процент қисқартириш кутилмоқда, деб ёзади «Файнэншл таймс» газетаси.

● РИМ. Суюқ ёқилғининг етишмаслиги электр энергия миллий бошқармасини мамлакатда электр энергия ҳосил этишни ўрта ҳисобда олти процент қисқартиришга мажбур қилди.

Италиянинг кўпгина областлари амалий жиҳатдан ёқилғисиз қолди. Қишлоқ хўжалик машиналари ва юк ташиш автотранспорти ҳаракатсиз турибди.

● БРЮССЕЛЬ. Бельгияда саноат корхоналари учун ёқилғи бериш нормаси 10 процент қисқартирилганлиги эълон қилинди. Газеталар бу тадбир мамлакатда ишсизликнинг янада ўсишига сабаб бўлади, деб хавотирланиб ёзмоқда.

● ЖЕНЕВА. Швейцария яшовчиларининг 1/5 қисмини автомобилларда юришни тақиқлаган Ғарбий Европадаги бешинчи мамлакат бўлди. Миллий экономика департаментининг бошлиги Э. Брюгтер ҳукумат мажлисидан сўнг шу ҳақда хабар берди. Бу тадбир «мамлакатни нефть билан таъминлашдаги баъзи-бир қийинчиликлар» билан изоҳланмоқда. Тақиқлаш тўғрисидаги қарор барча шахсий саёлётлар ва моторли қайиқларга ҳам тааллуқли. (ТАСС).

ГВИНЕЯ—БИСАУ РЕСПУБЛИКАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА КЕЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ЁШ РЕСПУБЛИКА ПАРВОЗИ

Шу йил январь ойида Африка миллий-озодлик ҳаракатининг таниқли арбоби Гвинея — Бисау халқининг раҳнамоси Омилкар Кабрал ёлланган қотил ўқидан ҳалок бўлди. Эрк — ҳуррият жарчисини Португалия мустамлакачилари ўлдирдилар. Бу билан улар мамлакатда аланга олган озодлик курашини сўндирмоқчи, миллий мустақил давлатнинг тузилишига тўсқинлик қилмоқчи эдилар. Лекин мустамлакачилар озодлик дея жон олиб, жон берган жафокаш, жасур халқнинг жанговар руҳини сўндиролмадилар, аксинча, Омилкар Кабрал ўлими халқ газабига газаб, нафратига нафрат қўшди. Гвинея — Бисау қарбий қисмларининг Омилкар Кабрал ўлимига жавобан Португалия босқинчиларига қарши курашни янада кучайтирдилар.

Гвинея — Бисау аҳолиси неча асрлардан бери келгинди — босқинчилар билан олишиб келяпти. Африка қитъасининг ғарбий қисмида Гвинея кўрфазида жойлашган бу мамлакат XV асрдан буён мустамлакачилар зулмини тортиб келди. Табиий ресурсларга бой 36 минг квадрат километрдан зиёд территория, 600 мингдан ошиқ меҳнаткаш узоқ йиллар давомида босқинчиларга ем бўлди. Келгиндилар мамлакат бойлигини роса таладилар, халқини беомон эздилар. Бироқ, жабрдийда, эрксевар халқ тақдирга тан беришни, босқинчиларга абадий қул бўлишни истамади. У эрк учун мустамлакачиларга қарши бош кўтарди.

Миллий-озодлик кураши айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда авжига чиқди. Халқ ҳаракатига 1956 йилда ташкил топган Гвинея ва Яшил Бурун оролларни мустақиллиги африкаликлар партияси (ПАИГК) аталмиш жанговар сиёсий ташкилот бошчилик қилди. 1963 йилдан бошлаб ПАИГК раҳбарлигида Португалия мустамлакачиларига қарши қуролли кураш аланга олди. Шундан бери халқ озодлик йўлида жуда кўп қурбонлар берди.

Янги, саодатли ҳаёт учун берилган беҳисоб қурбонлар зое кетмади. Сўнгги йилларда халқ қасоскорлари мамлакат территориясининг учдан икки қисмини босқинчилардан халос этдилар. Озод қилинган районларда ПАИГК ташаббуси билан қатор социал-иқтисодий тадбирлар амалга оширилди. Жумладан маҳаллий ҳокимият органлари тузилди. Кооперативлар, мактаблар касалхоналар, медпунктлар очилди. Аҳолининг аксариятини ташкил этган деҳқонлар ўзаро ҳамкорликда, бир-бирларига ёрдамлашиб ишлаяптилар. Қишлоқ хўжалигида социалистик мамлакатлар, асосан Совет Иттифоқида билим олган юқори малакали мутахассислар деҳқонларга ёрдам беряптилар. Илгари мактаб, касалхона нима эканини билмаган меҳнаткаш, ёшдилар мактабларда савод чиқармоқда, шифокорлардан бахраманд бўлмоқда.

Ўтган йили мамлакатда муҳим тарихий воқеа юз берди. Озод этилган районларда август — октябрь ойларида Миллий халқ мажлисига сайловлар бўлиб ўтди. 15 ёшга етган барча кишилар сайлаш ва 18 ёшга етганлари эса, сайланиш ҳуқуқини олдилар. Яширин овоз бериш йўли билан Миллий халқ мажлисига 120 депутат сайланди. Депутатлар орасида ҳамма группаларнинг вакиллари, деҳқонлар, ишчилар, турли ижод эгалари, хотин-қизлар ҳам бор. Шу йилнинг бошларида Миллий халқ мажлисини чақириш кўзда тутилган бўлиб, сессия мустақил миллий республикани эълон қилиши, маҳаллий ҳокимият органларини ташкил этиши ва янги давлатнинг конституциясини қабул қилиши лозим эди. Омилкар Кабрал вафоти бу режаларни амалга оширишни бироз кечиктирди. Омилкар Кабрал ҳамда Гвинея — Бисау халқининг орзу-мақсади шу йил 24 сентябрда рўёбга чиқди. 23- 24 сентябрда озод қилинган районларнинг биринда Миллий халқ мажлисининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия мустақил Гвинея — Бисау республикасини эълон қилди. Депутатлар баланд руҳ ва яқинлик билан янги республиканинг конституциясини қабул қилдилар, давлат идора органларини сайладилар. Луис Кабрал раислигида Давлат кенгаши, Франсиско Мендес бошчилигида Давлат комиссарларининг кенгаши тузилди. Миллий халқ мажлисига Бернардо Виейра раис қилиб тайинланди. Янги конституцияга биноан, Миллий халқ мажлиси давлат ҳокимиятининг олий органидир. Сессиялар орасида Миллий мажлис вазифасини Давлат кенгаши ўтайди. Давлат комиссарлари кенгаши эса ҳукумат функциясини бажаради. Миллий халқ мажлисининг биринчи сессияси давлат байроғини ва мамлакат гимнини тасдиқлади. Шунингдек, 12 сентябрь, яъни Омилкар Кабрал туғилган кун умуммиллий байрам куни деб эълон қилинди.

Тараққийпарвар инсоният Африкада яна бир мустақил давлат — Гвинея — Бисау республикасининг вужудга келганлигини мамнуният билан кутиб олди. «Бизнинг қитъа тарихига янги муҳим саҳифа қўшилди, — деб ёзди Танзания газетаси «Дейли ньюс». Қондош ва жондош Африка давлатлари Гвинея — Бисау республикасини расман таниб, унга ҳамиша ҳамдард, ҳамкор эканликларини айтдилар. Африка Бирлиги Ташкилоти ёш давлатга 2 миллион танзания шиллинги миқдорида моддий ёрдам беришга қарор қилди.

Совет Иттифоқи ҳам Гвинея — Бисау республикасини биринчилар қаторн танинди. «Сизнинг партиянгиз бошчилик қилган миллий озодлик ҳаракатининг муваффақиятлари,— деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, ПАИГК бош секретари Аристидес Перейрага юборган табрик телеграммасида, — Африка халқларининг, барча антиимпериалистик кучларнинг мазлум халқларни озод этиш, тинчлик ва тараққиёт учун олиб бораётган курашига қўшилган муҳим ҳиссадир».

Шу кунларда Гвинея — Бисау халқи ўз она тупроғини Португалия босқинчиларидан батамом, ёш республикани мустаҳкамлашдек оғир ва мушкул вазифасини бажаряпти. Совет кишилари бу ҳайрли ишда унга зафар тилайдилар.

А. БОСИТ.

ҲИНДИСТОН ПАХТАКОРЛАРИГА ЁРДАМ

Ўзбекистон ва жаҳон

Совет Иттифоқи Ҳиндистон экономикасининг, шу жумладан қишлоқ хўжалигининг ҳам турли тармоқларини ривожлантиришга жуда катта кўмак, мадад ва техникавий ёрдам бериб турибди. Ўзбекистонда бўлгани каби Ҳиндистон ярим оролида ҳам пахта асосий техникавий экин ҳисобланади. Ҳиндистондаги пахтазорлар ўз миқёси жиҳатидан жаҳонда тенги йўқ. Бу мамлакатда саккиз миллион гектар ерга пахта экилади. Бинобарин, ер қуррасидаги жамики пахта майдонларининг тўртдан бир қисми Ҳиндистон ярим оролида.

Аммо Ҳиндистонда пахтадан олинаётган ҳосил жуда паст. Бу пахтадан ҳосил қилинаётган толанинг сифати унчалик яхши эмас. Ҳиндистоннинг баъзи штатларида экинлардан бир йилда икки-уч марта ҳосил олиш мумкин. Мана шундай жуда яхши иқлим шароитига, жуда катта экин майдонларига эга бўлган Ҳиндистон пахта етиштириш жиҳатидан жаҳондан тўртинчи ўринни олиб турибди.

Пахта етиштириш жиҳатидан ҳам, унинг ҳосилдорлиги жиҳатидан ҳам жаҳонда биринчи ўринда турган Совет Иттифоқига пахтачиликни ривожлантиришда Ҳиндистон ҳукумати ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги тасодифий эмас. Бу олижаноб вазифани ҳал этишда Ўзбекистон олимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, механизаторлари, пахтакорлари ҳам актив қатнашмоқдалар.

Республика Қишлоқ хўжалик министрлигининг пахтачилик селекцияси ва уруғчилиги институтининг илмий ходими Александр Тишин яқинда Ҳиндистондан қайтиб келди. У ўзининг шу сафари тўғрисида ЎзТАГ мухбирига қуйидагиларни айтди:

— Ҳиндистонга боришимдан асосий мақсадим, — деди А. Тишин, — Ҳиндистонда ҳозирги вақтда пахтачиликнинг ҳолати қандай эканлигини ва Ҳиндистон пахтакорлари биринчи навбатда қандай ёрдамга муҳтожлигини аниқлаб олишдан иборат эди.

Панжоб, Харияна, Мадҳя-Прадеш, Ражастан, Утта-Прадеш ва бошқа кўпгина штатларнинг манзараларини Ўзбекистоннинг пахтачилик районларини эслатади. Бу ерларда ҳам бизнинг республикамиздагидек чексиз пахта далаларини, уларнинг орасида онда-сонда учрайдиган боғларни, полизларни, ғалла майдонларини кўрасиз. Илгари вақтларда бизнинг республикамиз далаларида ҳам деҳқончилик қуроллари фақат омоч ва кетмондан иборат эди. Ҳиндистонда ҳозир ҳам ҳинд деҳқонларининг иш қуроли асосан мана шу «техника»дан ташкил топган. Мустамлакачилардан қолган оғир мерослардан бири мана шу. Бунинг оқибатларини тугатмоқ учун бутун ҳинд халқи жуда кўп меҳнат сарфламоқда.

Дарҳақиқат, Ҳиндистонда ғалати бир ҳол дарҳол кўзга ташланади: унумдор ер майдонлари жуда кўп бўлса ҳам аммо пахтанинг ҳосилдорлиги гектар бошига тўртбеш центнердан ошмаётир. Саккиз миллион гектар ердан бир миллион тоннадан сал кўпроқ ҳосил олинмоқда. Агар буни Ўзбекистон билан таққослаб қарасак бизнинг республикамиз Ҳиндистондагига қараганда тўрт баравар кам майдондан бу йил тўрт баравар кўп пахта ҳосили олганлигини кўриб турибмиз.

Илгари Ҳиндистондаги пахта майдонларининг кўпгина қисмини бўлган мустамлакачи фермерлар пахтачиликни механизациялаштиришни ўзлари учун фойдали деб ҳисобламаганлар. Улар арзимас пул баробарига ишлаётган деҳқонларни ҳам, Ҳиндистон ерларини ҳам шафқатсиз эксплуатация қилишни ўзлари учун фойдали деб билдилар. Улар ернинг унумдорлигини оширишни, техникадан фойдаланишни ўйламоқдалар. Натижада кўп асрлар давомида деҳқончилик усули ўзгармай давом этаверди.

Ҳиндистон халқи эркин ва мустақил бўлиб олганидан кейин бу соҳада, Совет Иттифоқининг ва социалистик мамлакатларнинг дўстона ёрдами республикага тараққиёт йўлини очиб берди. Бунинг самаралари ҳозир қишлоқ хўжалигида очиқ кўриниб турибди. Экономикани ривожлантиришнинг тўртта беш йиллик планини амалга ошириш натижасида давлат қишлоқ хўжалигига жуда кўп маблағ сарфлади. Биринчи давлат фермалари ташкил этилди. Янги ўзлаштирилаётган ер майдонлари кўпайтирилмоқда. Давлатнинг ташаббуси билан илғор тажриба жорий қилинмоқда, деҳқонлар қишлоқ хўжалик машиналари, ўғитлар ва зарарли химикатлар билан таъминланмоқда.

Масалан, Суратгарҳдаги ферма мамлакатдаги энг яхши фермалардан бири бўлиб қолди. Давлат бу фермага бериб қўйган 30 минг гектар акр ерга пахта, бугдой, шоли экилмоқда. Бу ерларда ишлаб турган машиналар ва бошқа техниканинг ҳаммаси Совет Иттифоқидан келтирилган. Бу машиналарнинг кўпи Ўзбекистон корхоналарида ишлаб чиқарилган.

Ферма ерларидан олинаётган ҳосил ҳам мамлакатда энг юқори ҳосил ҳисобланади. Пахта майдонининг ҳар бир гектаридан 15-18 центнер, бугдойзорнинг ҳар гектаридан 2-3 тонна, шолизорнинг ҳар гектаридан қарийб 4 тонна чамаси ҳосил олинмоқда.

Ҳисор, Майсур ва бошқа штатлардаги давлат фермаларида ҳам ишлар яхши боряпти.

Ҳозир Ҳиндистон ва Ўзбекистон пахтакорлари ўртасида алоқалар мустаҳкамланмоқда ва яхшиланмоқда.

Ҳиндистонда юрган вақтимизда совет техникасининг сифати ва имкониятн тўғрисида мақтаб айтилган гапларни, дўстона ёрдам учун ташаккур сўзларини кўп эшитдик. Масалан, Ҳиндистон пахтачиликни ривожлантириш директоратининг раҳбари доктор С. В. Р. Рао, пахтачиликдаги ишларни координациялаш лойиҳасининг раҳбари В. Сантхонам ва бош агроном Р. Сингх, Ҳиндистон қишлоқ хўжалик министрлиги ўсимликшунослик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Анут Сингх Совет «Белорусь» тракторларини жуда мақтаб гапирдилар. Давлат фермаларининг пахтакорлари Ўзбекистон заводларида ишлаб чиқарилган дискали бороналарни ва «зиг-заг» бороналарини, плугларни, ротацион мотыгаларни, ер текисловчи ғилдиракларни ва бошқа машиналарни энг аъло сифатли машиналар деб ҳисобламоқдалар.

Дўст давлатнинг пахтачилиги билан танишиш, унинг эҳтиёжлари ва талабларини ўрганиш ҳинд пахтакорларига тағин ҳам самаралироқ ёрдамлашишга имкон беради.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ФАРҒОНАНИНГ УЛКАН ЗАФАРИ



ЮКСАК МАРРА

Ф. ШАМСИДДИНОВ,
Ўзбекистон КП Фарғона область комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Фарғона деҳқони — айтган сўзининг устидан чиқадиган, кўзлаган маррасига сўзсиз етадиган лафзи ҳалол, собитқадам меҳнатқаш эканини йил сайин исботлаб, эл-юрт, бутун мамлакатнинг ишонч ва ҳурматини қозониб келмоқда. Партия ходимига хос фазилатлар — сиёсий етуклик, тадбиркорлик, уддабуронлик, одамнинг кўнглидаги гапни топа билиш каби фазилатлар бор жойда ижод қайнайди, ташаббуслар қанот ёзаверади. Бу шиорни, айниқса Фарғонанинг пешқадам ва карвонбошиси Киров райони пахтакорлари муқаддас бурчдай ҳис этдилар. Улар 40-50 центнерчилик ҳаракатининг биринчи сафларида бордилар. Яхши гапнинг, ҳаётий гапнинг сеҳри бўлади. 40-50 центнерчилик ташаббуси область колхоз ва совхозларида оммавий ҳаракатга айланиб, унга 900 га яқин бригада баҳонидил қўшилди. Шуниси характерлики, зиммага юксак мажбуриятлар олган бу бригадалар улкан марраларни эгаллаб ўз сўзларининг устидан чиқдилар ва чиқмоқдалар.

Бу олижаноб ишда ташаббускор кировликларнинг ўзлари пешқадамлик қилдилар, гектаридан 40-50 центнерлик хирмой учун курашнинг олдинги сафларида фидойилик қилдилар. Район партия комитети (биринчи секретари ўртоқ У. Бегматов) йилнинг барча фаслларида жанговар иш олиб борди, коммунистларни, комсомолларни, бутун меҳнат аҳлини ҳамма вақт самарали, унумли меҳнатга сафарбар этиб келмоқда. Ишни пухта уюштиришда, янги-янги резервларни қидириб топишда район партия комитети бюро аъзолари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларидан иборат оператив группалар фаолияти айниқса яхши самара берди.

Фарғона район партия ва ижроия комитетининг ижодий, принципиал иш услуби ҳам коммунистлар активлиги, ташаббускорлигини оширишда, партия, Ватан олдидаги бурчни сидқидилдан бажаришга сафарбар этишда муҳим роль ўйнади. Коммунистларни бурчга садоқат руҳида тарбиялаш, масъулият ва авангардлигини ошириб, ҳамма жабҳада шахсий ибрат кўрсатишга даъват этиш ўз самараларини берди. Район маррага пешқадамлар қатори етиб келиб, Ватан омборига 34 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо хом ашё тўкди. Ленинград, Ўзбекистон, Қува, Тошлоқ ва Охунбобоев район партия ташкилотлари ҳам қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларига ҳусусан, пахтачиликка иш-нинг кўзини билиб раҳбарлик қилиб, бу борада катта муваффақиятларга эришишни таъмин эта билдилар.

Мана, бугун Фарғонанинг 552 минг тонналик улкан хирмони бутун республикага қадрдини кўрсатиб турибди.

Областимизнинг улкан пахта хирмонига Ленинград райони 80 минг тоннадан зиёд, Фрунзе райони 46,5 минг тоннадан кўпроқ. Ўзбекистон райони 46,5 минг тонна, Фарғона райони 34 минг тонна, Қува районларида эса бу борадаги план 115-120 процент районлари 47 минг тонна, пахтаси билан салмоқли ҳисса қўшдилар.

Шу муносабат билан яна бир воқеани тилга олиб ўтмоқчиман. Пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг Тошкентда ўтган йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлаб, пахтакорлар меҳнатига катта баҳо берди, деҳқонларимизни «олтин қўллар» деб атади. Бу юксак баҳо жамики деҳқонлар қатори «зангори кема» капитанларини ҳам бениҳоя руҳлантириб юборди. Неча юзлаб механик-ҳайдовчиларимиз коммунистчасига ишлаб жасорат кўрсатдилар. Машиналар билан планда белгиланганидан 205 минг тонна ўрнига 247 минг тоннадан зиёдроқ пахта териб олинган бўлса-да, область колхоз ва совхозлари далаларида шу кеча-кундузларда ҳам қарийб 2 минг терим агрегати гулдираб ишлаяпти. Бошқачароқ қилиб айтганда ҳар бир машина билан ўртача 110 тоннадан пахта терилди, ҳар бир машина 55-60 кишининг ишини адо этяпти.

Ер шароити карта тузилиши жиҳатидан бошқа жойлардан кескин фарқ қиладиган бизнинг областимизда шу йилдан бошлаб пахтани машинада теришда янги босқичга ўтилди десак, ҳақ гапни айтган бўламиз. Шуни айтиб ўтиш керакки, машина теримида ўзимизнинг ажойиб новаторларимиз, республикадаги энг илғор даргалар билан беллашишга қодир бўлган механизаторларимиз ҳам етишиб чиқмоқда. Улардан бири Ўзбекистон районидаги «Қўқон» совхозининг механик-ҳайдовчиси, республика Олий Советининг депутати Комилжон Холматовдир. Бу ажойиб меҳнатсевар йигит областда биринчи бўлиб машинада 500 тонна пахта териш ташаббускори сифатида майдонга чиқди ва жуда яхши натижаларни қўлга киритди. Мингдан кўпроқ механизаторлар унга эргашди. Моҳир механизатор ҳозиргача бункердан 500 тоннадан кўпроқ пахта тўкди. Мавсумда 200-280 тоннага етказиб пахта терган А. Қурбонов, У. Эктамов, Х. Танабердиев, Р. Мақсудов, У. Муҳиддинов, Н. Аҳмедов каби юзлаб пешқадамлар сиймосида ҳам биз йигим-теримдек ишни кифтида даст кўтариб, деҳқонларни мураккаб меҳнатдан халос қилаётган азаматларни кўрамиз.

Терим агрегатлари шарофати билан аксарият районлар маррага барвақт етдилар, машиналар билан ҳосилнинг талайгина қисми йиғиб олинди. Кўпчилик районларда машина теримини мажбурияти ҳам ошириб адо этилди. Чунончи Фрунзе районида агрегатлар билан қарийб 28,5 минг тонна пахта терилиб, машина терими плани 134 процент қилиб адо этилди. Киров, Фарғона, Тошлоқ, Ленинград, Қува районларида эса бу борадаги план 115-120 процент қилиб уддаланди. Дилни яйратувчи бундай рақамларни яна келтираверіш мумкин. Район партия ва ижроия комитетларининг ташкилотчилиги, механизаторлар ўртасида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилганлиги бу зафарларни қўлга киритишда муҳим омил бўлди.

Республикамизнинг ҳамма жойида бўлганидек Фарғона областининг шаҳарлари ва ишчи посёлкалар аҳолиси ҳам ўзларини пахтакорлар билан бир тан, бир жон ҳис этиб, йигим-теримдек умумхалқ ишига фаол қатнашдилар. Ўн минглаб ишчи ва хизматчилар, студентлар мактабларнинг юқори синф ўқувчилари пахтакорларга сидқидилдан кўмаклашиб зафар дақиқаларини яқинлаштирдилар.

Ҳа, область пахтакорларининг ғалабасида ҳамма касб эгаларининг ҳам муносиб улуши бор. Идеология ходимлари бўлмиш минглаб агитатор, пропагандистлар, сиёсий ахборотчи ва лекторлар, ёзувчи, шоирлар, санъаткорлар ўз жанговар сўзлари билан кишиларнинг қалби ва онгига таъсир ўтказдилар. Уларнинг маънавий оламини бойитиб янги марраларга руҳлантирдилар. Область меҳнаткашлари пилла, тухум, жун, сабзавот ва полиз экинлари, мева, узум, гўшт тайёрлаш йиллик планларини ҳам барвақт адо этдилар.

Фарғона деҳқони мақсадга етди — жуда катта довон босиб ўтилиб, Ватанга 552 минг тонна «оқ олтин» ҳадя этилди. Лекин областдаги жамики коммунистлар номидан шуни айтмоқчиманки, ихтиёрида ҳамма имкониятлар: қудратли ва серунум хилма-хил машиналар, аъло даражадаги минерал ўғитлар, минглаб юқори малакали мутахассислари бўлган областимиз юқоридаги рақамлар билан мутлақо чегараланиб қолмайди. Ҳа, биз ҳосилдорликни мутасил ошириб бораверамиз: Фарғонанинг улкан пахта хирмони йилма-йил юксалиб бораверади. Бу — мураккаб иш, албатта. Лекин бунинг уддасидан чиқиш учун реал имкониятларимиз бор. Ҳосилдорликни мутасил ошириб бориш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, илғор агротехникани қўлланиш, янги ерларни ўзлаштириш, резервларни қидириб топиш, деҳқончилик маданиятини кўтариш ҳисобига бу олижаноб ниятларимиз шубҳасиз амалга ошади.

Фарғона пахтакори эришилган маррани чегара деб билмайди, балки у янги-янги марраларни, янги уфқларни кўзлайди. Бинобарин, режасиз деҳқон ни деҳқон деб бўлармиди. Олдимизда келгуси йил мўл ҳосилга замин яратишдек улкан вазифалар турибди. Область партия комитети барча коммунистлар, бутун меҳнат аҳли кучига таяниб, бу тадбирларни ҳам муваффақиятли амалга оширади. Партия XXIV съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошира бориб, халқ хўжалиги планларини муттасил адо этиб эл-юртни, Ватанни янги-янги ғалабалар билан мамнун этиш — барча коммунистларнинг область меҳнаткашларининг азгу истагидир.

БАРАКАЛЛА, ПАХТАКОРИМ!

Номи элга достон бўлган,
Қалби қувонч, завққа тўлган,
Пахтасидай бахти мўлган,
Баракалла, пахтакорим!
Ваъдасига вафодорим!

Тупроқда олтин ундирган,
Бахт қушин бошга қўндирган,
Мард бўлиб ишни дўндирган,
Баракалла, пахтакорим!
Ваъдасига вафодорим!

Омадинг бор, ёрқин йўлинг,
Пахтага кон дашту чўлинг,
Ҳеч толмасин олтин қўлинг,
Баракалла, пахтакорим!
Ваъдасига вафодорим!

Сенга олқиш, шараф ва шон,
Сен меҳнатда марди майдон,
Сени қутлар аҳли жаҳон,
Баракалла, пахтакорим!
Ваъдасига вафодорим!

Бахтиёрсан, дилда сурур,
Ғалабанинг нашъасин сур,
Қойил қилдинг, қандингни ур,
Баракалла, пахтакорим!
Ваъдасига вафодорим!

Турсунбой МАҲМУДОВ,

ТОШЛОҚ ТУҲФАСИ

Тошлоқ — Фарғона областида бу йил барпо этилган янги район. Пахтакор хўжаликларнинг омилкор деҳқонлари ўзларининг авваллги шуҳратларини тиклаш, она-Ватанни, эл-юртни янги-янги меҳнат ютуқлари билан қувонтириш иштиёқи билан нафас олмоқдалар.

Район меҳнат аҳли ўз сўзининг устидан чиқди. Фурсатдан фойдаланиб, районимиз деҳқонлари қўлга киритган каттакон ютуқлар ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтмоқчиман. Тошлоқликлар Ватан хазинасига ўзларининг 46 минг тоннадан зиёд жавоҳирларини тўкиб, улкан ғалабани қўлга киритдилар. Бошқачароқ қилиб айтганда, бу — 16 минг 181 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан шу кунларгача 29 центнердан «оқ олтин» йиғиб олинди, деган сўз. Ҳали далаларда ҳосил кўп.

Районимиз пахта хирмонини бунёд этишда коммунистлар ва комсомоллар, ўзининг куч ва билимини пахтачиликка бахш этган юзлаб, минглаб деҳқонларимиз ўз участкаларида, постларида самарали меҳнат қилишди. Шу ўринда хусусан, «Коммуна» колхози партия ташкилоти партиявий принципиаллик ва тезкорлик билан иш тутганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти чигит ерга тушган кунлардан то йиғим-терим ишлари ниҳояланаётган ҳозирги дақиқаларгача колхозчи-деҳқонларни унумли ва самарали меҳнатга, пахтадан мўл ҳосил етиштиришга, мусобақани муттасил авж олдиришга даъват этиб келди ва келмоқда. Бу ажойиб самара берди. Колхоз районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини ошириб бажарди. Шу кунларда хўжалик 40 центнерлик маррани эгаллаш арафасида турибди.

Райондаги пешқадам Куйбишев номли колхоз ҳақида ҳам самимий ва илиқ сўзлар айтгинг келади. Колхоз 1115 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан ҳозиргача 32 центнердан ошириб хирмон кўтарди. Ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнергача етказиш, хўжалик пахтакорларининг азму қарори. «Ленинград», Ленин номли, Охунбобоев номли, «Партия XXII съезди» колхозлари азамат деҳқонлари ҳам, халқ хўжалик планларини муваффақиятли адо этиб, улкан марра — гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш йўлида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, районимиз ана шу ажойиб деҳқонларнинг ҳиммати ва фидокорлиги туфайли бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 37 центнерга етказади, деб айта оламиз. Бу— реал гап.

Шуниси қувонарлики, областимизнинг машъал Киров ва Қува районлари ўртасида бошланган 45-50 центнерчилик ҳаракати районимиз хўжаликларида ҳам оммавий тус олиб бормоқда. «Ленинград» колхозидан К. Ботиров, «Коммуна» колхозидан Х. Исоқова, Карл Маркс номли колхозидан М. Солиев, Охунбобоев номли хўжаликдан К. Дадажоновлар бошлиқ бригадалар гектаридан 45-55 центнердан хирмон кўтардилар. Бу муваффақиятлар районимизда ги ҳамма хўжаликларда ҳосилдорликни кескин ошириш мумкинлигини, бунинг учун реал имкониятлар борлигини очиқ-равшан кўрсатиб турибди.

Шуни алоҳида мамнуният билан таъкидлаймизки, районимиз далаларида терим агрегатлари қувватидан тўла фойдаланилди. Ўнлаб дала гвардиячилари машина бункерларидан 150 тоннадан — 300 тоннагача пахта ағдаришиб, улкан хирмонимизга салмоқли ҳисса қўшдилар. Агрегатлар билан 23 минг тоннадан зиёдроқ пахта терилиб олинди. Бу борадаги план — 133 процентдан ошириб бажарилди. О. Мамажонов, М. Ўринбоев, Қ. Рўзибоев, Н. Маликов, Т. Давронов, А. Холмирзаев каби механизаторларимиз айниқса ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Ш. Анварова М. Солиева, А. Маҳмудова, Д. Ҳайдарова каби юзлаб кўпмингкилограммчи теримчиларимиз ҳозиргача 10-12 тоннадан пахта теришиб, улкан хирмонимизга барака киритишди.

Шу кунларда далаларимизда йиғим-терим ишлари қизғин давом этяпти. Районимиз меҳнат аҳли янги марра — 60 минг тонналик хирмон учун астойдил кураш олиб бормоқда. Сўзимиз — сўз. Аҳдимизнинг устидан чиқишимизга шубҳа йўқ.

А. МАҲМУДОВ,
Тошлоқ район партия комитетининг биринчи секретари.

II МИНГ ТОННА!

Неча ўн йиллардан бери чигит экиб, пахта етиштириб келаётган одамларимиз. Шуни хурсандчилик билан айтиб ўтмоқчиманки, ҳар йили, сурункасига эл-юртни мўл ҳосилимиз билан хурсанд қиляпмиз. Лекин бу йилги ишларимиз айниқса бошқача бўлди. Колхозчиларимизнинг таъбири билан айтганда, омадимиз келди. Октябрнинг иккинчи ўн кунлигига етмаёқ давлатга қарийб 9 минг тонна «оқ олтин» топширилиб, халқ хўжалик планн ортиғи билан адо этилди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Каримохун Раҳматуллаев, Шароф Еқубов, Аҳмаджон Раҳимов каби қатор миришкор деҳқонларимиз раҳбарлик қилган бригадаларда айниқса, пахта бўлиб берди. Улар ҳозиргача гектаридан кўтарган ҳосил эллик центнерданни қоралаб қолди.

Бутун колхоз аҳли механизаторларимиз шаънига илиқ сўзлар айтишмоқда. Чиндан ҳам, «зангори кема» капитанлари юзлаб, минглаб кишиларимизнинг оғирини енгил қилишди. Т. Аҳмедов, А. Жалилов, А. Маллабеков каби кўплаб механизаторларимиз улкан хирмонимизни тез бунёд этишда ўзларининг гоят салмоқли ҳиссаларини қўшдилар.

А. РАҲМОНОВ,
Охунбобоев районидаги Фрунзе номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Фарғона — бахтлар водийси, «оқ олтин» ва ширин-шакар мевалар водийси. Областнинг республикамизга донг таратган ажойиб пахтакорлар машҳур деҳқонлари, боғбонлари етишиб чиққан. Область улкан хирмонини тиклашда улар қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилишди. Суратда: (чапдан ўнгга) Киров районининг донгдор пахтакорлари — Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Абдураззоқ Икромов, Сдмижон Тешаев ва Қурбон Кенжаевларни кўриб турибсиз.

МЕНИНГ ҲИССАМ

Мен Фарғона меҳнаткашларининг бир оддий вакилиман. Неча ўн йилдирки, ер ҳайдаш, чигит экиш, ғўзани культивация қилишдан, пахтани машинада теришгача бўлган иш жараёнида ўз ҳиссамни қўшиб келяпман. Лекин, бу йилги қишлоқ хўжалик йили мен учун мароқли бўлди. Мавсумда совхозимиз пахтазорларида терим агрегатлари ёппасига гуриллаб ишлаб, хўжалик меҳнат аҳлининг оғирини енгил қилди. Пахтанинг асосий қисми машиналар ёрдами билан териб олиниб, халқ хўжалик плани муддатидан олдин ошириб адо этилди. Бугун областимизнинг пахтакорлари эммага олган социалистик мажбуриятларини ошириб бажариб, ғалаба нашиндаларини сураётган ажойиб дақиқаларни шуни ичин гурур ва ифтихор билан айтардимки, областимиз улкан хирмонига ҳиссамни қўша олдим. Ўтган йили машина бункеридан 500 тонна пахта тўкқан бўлсам, бу йил тўрт қаторли агрегат билан 570 тонна пахта теришга эришдим.

Ажойиб олимларимиз, конструкторларимиз ҳақида мен чин кўнгилдан илиқ гаплар айтмоқчиман. Улар бизга роҳатижон машиналар яратиб беришди. Бу агрегатларнинг меҳнати унумли эканлигини айтмайсизми! Баъзи кунлари «Ўзбекистон» терим машинаси билан 18-20 тоннагача пахта теришга эришдим. Юксак унумли машиналар яратиб берган олимларга, шоили ишчилар синфига чин юракдан раҳмат.

Биз асл пахтакорларнинг авлодларимиз. Пахтакор деҳқон учун бемалол ёнбошлаб ётадиган фасл бўлмайди. Пахта ҳар фаслда ҳам меҳнат талаб қиладн. Биз буни чин кўнгилдан ҳис этамиз. Пахтакор номини улуғлашга аҳд қилиб, куч ва билимимизни, тажрибаларимизни бу ишга бахшида этгаимиз.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев область меҳнаткашлари шаънига айтган илиқ гаплари бизнинг масъулиятли, ленин шарафли меҳнатимизга берган юксак баҳо бўлди. Тинчлик иши учун фидокор курашчи, партиямизнинг улкан арбоби айтган бу дил сўзлари бизни янада тўлқинлантириб юборди. Шу кунларда биз келаси йил мўл ҳосили учун зарур тадбирларни амалга оширишга киришдик. Биз пахтакор шарафини улуғлаб, она-Ватанни янги меҳнат ютуқлари билан қувонтираверамиз.

К. ХОЛМАТОВ,
Ўзбекистон районидаги «Қўқон» совхозининг механик-ҳайдовчиси, Ленин ордени кавалери.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

◆ Фарғона область пахтакорлари бу йил самарали меҳнат қилиб, 552 минг тонналик улкан хирмон тикладилар. Бу, халқ хўжалиги планида белгиланганидан 47 минг тонна кўпдир.

◆ Область колхоз ва совхозларида 40-50 центнерчилик ташаббуси оммавий ҳаракатга айланиб кетди. Бу ватанпарварлик ҳаракатига 900 га яқин бригада баҳонидил қўшилди ва ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятларини шараф билан бажарди.

◆ Пахтазорларда 2 мингдан зиёд терим агрегати юксак унум билан ишлатилди. «Зангори кема» капитанлари планда белгиланган 205 минг тонна ўрнига 247 минг тоннадан зиёд «оқ олтин»ни машиналар бункерларидан тўкдилар. Ҳар бир терим машинасининг ўртача иш унуми 110 тоннага етди.

◆ Ўзбекистон районидаги «Қўқон» совхозининг механик-ҳайдовчиси, республика Олий Советининг депутати Комилжон Холматов областда биринчи бўлиб машинада 550 тонна пахта териш ташаббуси билан майдонга чиқди ва ўз зиммасига олган мажбуриятини шараф билан бажарди.









Фарғона областининг меҳнаткашлари деҳқончиликдаги беш омил — ер, сув, техника, ирригация ва мелиорациядан унумли фойдаланиб деҳқончилик маданиятини оширдилар. Гектар бошига олинадиган пахта ҳосилини кескин кўпайтирдилар. Социалистик мажбурият ошириб бажарилди. Суратларда: (чапдан). 1. Қува районидаги Карл Маркс номли колхоз кўп минг килограммчи теримчиси, район Советининг депутати Норгожи Мамарасулова, 2. Охунбобоев районидаги «Ўзбекистон» колхозининг илғор механизатори Шералн Мирзаалиев. 3. Шу райондаги Калинин номли колхоз бригада бошлиги, райком аъзоси Махфират Еқубова, 4. Фарғона районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси Адолат Асронова ўртоқлар.

Ғ. Қосимов фотолари.

ЧЎЛ САҲОВАТИ

Репортажсиз

Фарғона томонларга келган одамларнинг қулоғига шубҳасиз, Саткак, Саткак даштлари деган сўзлар чалинади. Биз ана шу даштнинг чекка қисмидаги бир бўлагида бўлган эдик. Бибобондан «узиб» олингаи бу жойларнинг манзараси бўлакча эди. Катта-катта пахта майдонларида 6 та «Ўзбекистон» терим агрегати сузиб юрарди. Машиналар бир меъёрда гуриллар, бункерларга оппоқ пахта шалолалари оқиб кирарди.

— Бу ерлар Тошмамат Абдураҳимов бригадасига қарайди, — ҳикоя қилди колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари Чахал Абдуллаев, — лекин ўзиям чакана бригадирлардан эмас-да. Асл деҳқон! Ерининг тилини билмайдиган одам бунақа жойда ғўза кўкартиролмайди. Тошмамат эса, ерни ўз йўригига юритадиганлардан. Тошмамат мана шу янги очилган 110 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 20 центнердан хирмон кўтараман, деб сўз берганди. Гектаридан роппа-роса 30 центнердан ҳосил йиғиб олди. Яна 6 центнердан олмоқчи. Пландагидан 16 центнер кўп.

Олдинда келаётган агрегат янги эгатга бурилаётиб, прицепга пахтасини ағдарди. Унинг штурвалида йигирма беш ёшлардаги бугдойранг йигит ўтирарди. У колхознинг пешқадам механизаторларидан бири Турсун Бойматов экан. Партком секретарининг ҳикоя қилишича, ўртоқ Т. Бойматов ўша кунлари ўз агрегати билан кунига колхознинг 7-8 тонна пахтасини териб бераётган экан. Унинг мавсумда терган пахтаси 350 тоннага етди.

Партком секретари терим агрегатини чапдастлик билан бошқараётган ўттиз ёшлар чамасидаги йигитни кўрсатиб, бу бизга кўмакка келган ишчилар синфининг вакили деди. «Ўзбекистон» маркали агрегат билан пахта тераётган бу йигит Умарали Мамасолиев бўлиб, у Фарғона шаҳридаги пиллакашлик фабрикаси томонидан сотиб олинган терим машинаси билан корхона оталиғидаги мазкур хўжаликка келиб пахта тераётган экан. Колхоз механизаторларидан ўтсам ўтаманки, орқада қолмайман, — дейди Умарали, — орқада қоладиган бўлсам ҳамкасбларим, менинг бу ердаги ишимни кузатиб турган юзлаб, минглаб ишчиларимиз олдида уялиб қоламан!

Фарғона районидаги Ленин номли колхоз правлениеси ва партия ташкилоти асосий иш жараёнларини, хусусан йиғим-терим ишларини асосан механизация зиммасига юклаб, жуда яхши натижаларга эришдн. Ҳисоб-китоб қилиб кўрилганда шу нарса маълум бўлдики, машинада пахта териш плани 144 процент қилиб бажарилди. Қарийб 1400 тонна пахта машиналар билан териб олинди. Бу рақамлар, эҳтимол, юқори ҳосилли хўжаликлар кўрсаткичлари олдида ҳеч нарса эмасдай бўлиб туюлар. Аммо етмиш фоиз ерлари тошлоқдан иборат бўлган ва янги очилган юзлаб гектар ерларда қийин шароитларда пахта етиштириб, ҳосилнинг қарийб ярмини агрегатлар билан териб олиш унчалик жўн эмас... Хўжалик машина теримининг ўзидагина 50 минг сўм иқтисод қилиб қолди.

Партком секретари бу гапни суҳбатимизда блокнотида пайдо бўлган янги рақамлар билан таништирди. Мана, ўшалардан бир-иккитаси: Саҳиддин Ҳасанов бригадаси гектаридан 30 ўрнига, деярли 50 центнердан хирмон кўтариб, пахта тайёрлашда 5 йиллик планни уч йилда бажарди. Ummat Кўчиев бошлиқ бригада аъзолари ҳам улардан қолишгани йўқ. 102 гектар майдонда деҳқончилик қилган бу бригада аъзолари ҳам эллик центнерлик маррани эгаллашди. Бундай пешқадам бригадалар колхозда оз эмас.

Одамнинг қўли гул дейдилар. Ана шу қўли гул одамларнинг меҳнати, қатъияти, иродаси туфайли Саткак сеҳроси ҳам саҳоватли бўлиб қолди.

О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Советлар мамлакатида

СТАНОКДА БИР АСР

Нальчик машинасозлик заводининг Пичужкин бошлиқ токарлар бригадасига уюшган ака-укалар ўзига хос юз йиллик меҳнат юбилейини нишонладилар. Оиланинг меҳнатдаги стажи 100 йилга етди. Олти оға-инининг ҳар бири ўз оталари Дементий Петрович Пичужкиндан иш ўрганган эдилар.

Кекса отахон ана шу машинасозлик заводида 30 йилдан кўпроқ меҳнат қилган. Унинг катта ўғли Василий Дементьевич меҳнат стажи соҳасида ҳозирданоқ отасига етай деб қолди. Ҳозир у заводда 29 йилдан кўпроқ ишлади. У меҳнатда эришган муваффақиятлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган. Оға-инилар турмушда ҳам, меҳнатда ҳам ўзаро жуда аҳил. Улар ўзларининг севган касблари юзасидан маҳоратларини ҳар доим оширмоқдалар, бир-бирларига ёрдам бермоқдалар. Улар ишлаётган цех ускуналар учун жуда муҳим деталларни ишлаб чиқаради. Шунинг учун ҳам бу ерда алоҳида маҳорат, синчковлик талаб қилинади. Ака-укалар ишлаб чиқараётган деталлар ҳар доим энг сифатли маҳсулотлар қаторига киради.

ПИШИҚ ИПЛАР

Кетгут — майда шохли ҳайвонлар ичагидан тайёрланадиган пишиқ ипдир. Бу медицинада ички аъзоларни тикишда ишлатиладиган қимматли материал ҳисобланади. Чунки, у икки-уч ҳафта ичида организм билан бирикиб кетиш хусусиятига эга.

Қозон кетгут заводи ана шундай пишиқ иплар ишлаб чиқарадиган ягона корхона ҳисобланади. Бинобарин, унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг сифати билан ажралиб туради.

Илғор корхона коллективи ишлаб чиқариш технологиясини тобора такомиллаштириб бормоқда. Бу ерда янги тозалаш корпуси ишга туширилди.

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШЛАРИ УЧУН

Теньгушев қишлоғида Мордовияда биринчи колхозлараро ғишт заводи ишга туширилди. Завод йил давомида мунтазам ишлайди. У 12 миллион донадан ортиқ ғишт пиширишга мўлжалланган. Эндиликда автоном республикада чорвачилик комплекслари, ишлаб чиқариш устахоналари, уй-жойлар, маданий-маиший бинолар тезроқ бунёд этилишига имконият яратилди.

Янги завод қишлоқ қурилиш индустриясининг юксак механизациялаштирилган корхонаси бўлиб қолди. Бу ерда энг янги вакуум пресслар, автоматлар, лой кўтарадиган машиналар ўрнатилган.

Мордовия қишлоқларида ана шундай корхоналардан яна бир нечасини қуриш мўлжалланмоқда. Келгуси йили Краснослободскда ҳам ана шундай завод барпо этилади. Саранск қишлоқ қурилиши комбинатида ҳам бунга икки ҳисса келадиган қувватга эга ғишт заводи бунёд этилади.

ПОЙТАХТ КЕНГАЯДИ

Москва «Гипрогор» институтининг архитекторлари Элиста шаҳрининг бош планини ишлаб чиқдилар. Чунки Калмигистон АССРнинг пойтахти аҳолиси 2000-йилга бориб 110 минг кишига етади.

Шаҳарнинг янги микрорайонларида замонавий уй-жой бинолари шаҳарнинг чиройига-чирой қўшади. Бу ерда қуриладиган иморатлар асосан тўрт қаватдан тортиб, 15 қаватгача етади. Архитекторлар бу ерда бунёд этиладиган қурилишларнинг чиройли ва шинам бўлишига алоҳида эътибор беришган. (ТАСС).



Мовий Орол соқин. Сув юзи ҳиёл жимирлайди. Ҳар куни тонг билан денгиз ичкарисига сузиб кетадиган балиқчи кемалари кўёш уфққа бош қўйганда трюмларини кумуш балиқларга тўлдириб қирғоққа йўл олади. Бу йил Мўйноқ балиқчиларининг овлари бароридан келди. Планларини оширибгина бажаряптилар. Айниқса Мўйноқ балиқ заводи коллективи ўз ҳамкасблари орасида пешқадамлик қилаётир. Суратда: Мўйноқ балиқ заводига қарашли кемалар янги ов билан ўз базаларига қайтиб келаётир. А. Палехов фотоси.

ЖОНИМ ҚЎЛИНГИЗДА, ДЕДИМ-КУ!

ФЕЛЬЕТОН

Тошкент яқинида Тўйтепа деган жой бор экан. Бу ерда Маҳкам Розиқов, Мусаллам Аҳмаджонова, Тўрабек Холмуҳамедов, Абиба Раҳматуллаева деганлар яшашар экан. Маҳкам билан Мусаллам, Тўрабек билан Абиба бир оилага бош-қош бўлиб, давр-даврон суришар экан. Бу икки оиланинг биттаси 24-магазинни, иккинчиси 25-магазинни «ўзлариники» қилиб олишган экан. Эрлари отпускага чиқса хотинлари, хотинлари отпускага чиқса эрлари мудирлик қилишаверар экан. Икки оиланинг аҳду-паймонлари шундай бўлибди:

— Ҳар кимнинг бошига қор ёғса ўзи қурайди, деган гап ёлғон. Бир-биримизнинг бошимизга ёққан қорни, албатта, бирга курайміз.

Кунларнинг бирида аллақандай қинғир ишга аралашгани учун Маҳкам Розиқовни 24-магазин мудирлигидан олиб, ўрнига хотини Мусаллам Аҳмаджонова тайинланадиган бўлибди. Тўйтепа сельпосидан Алиқул Пиримқулов деган инвентаризатор келиб Маҳкамвойнинг ҳисобидаги молларни Мусалламхонга топширтира бошлади. Аёл бунга иштирок этса этди, бўлмаса бола-чақаси билан овора бўлиб юраверди. Дўкондан камомат бирин-кетин қайнаб чиқа бошлади.

— 2207 сўм етишмайди. Буни нима қиласиз, жиян? — сўради Пиримқулов.

— Ревизор почча, жоним қўлингизда. Нима қилсангиз, ихтиёрингиз, — Маҳкамбой Алиқулга маъноли қаради.

Алиқул, бирор нарсали бўлиб қолар эканман-да, дегандай жилмайди. Демак, гап тушунарли.

«Сахий» инвентаризатор дўкон юзини кўргандан талай сатинни келдига чиқариб, камоматни ёпиб юборди.

Шу-шу йўқни бор қилиб кўрсатиш усули уларга қўл кела бошлади. Камоматлар ҳар ердан бодраб чиқавергач, М. Розиқов билан А. Пиримқуловлар қоғоз юзига янгидан-янги ёлғон-яшиқларни битиб қўяверадилар. Жумладан, 3744 метр сатин дангал «ҳужжатга» қайд этилиб, 6164 сўмлик камоматнинг юзи тескари қилинди.

Лекин сув лойқаб, бўтана бўлиб кетаверганидан кейин, уни тиниттиш мушкул экан. Ҳисоб-китоб даврида боягилардан ташқари яна 10154 сўмлик камомат «мана мен» деб чиқиб қолди.

— Ҳолингиз хароб-ку, азизим Маҳкамбой. Нима бало, эр-хотин дўконни каламушдек бир бошдан кемириб юборганмисизлар?! — бақрайиб туриб қолди Пиримқулов.

— Жоним қўлингизда, дедим-ку, ревизор почча.

— Йўқ, энди бу ёғига сийлай олмайман, жиян! Камини қаердан бўлса ҳам келтириб қўй.

— Раҳмат.

Пиримқулов «келтириб қўй» деб ҳали ҳам «жиян»га мурувват этган эди. Сабаб, бундай қилиш қонунга хилоф эканлигини у жуда яхши билар эди.

Маҳкамбой билан Мусаллам зинғиллаганларича 25-магазинни ўзлариники қилиб олган меҳрибонларни Абиба билан Тўрабекнинг ҳузурига боришди.

— Бошимизга қор ёғди, қурашиб юборинглар, меҳрибонлар.

25-магазиндаги «сахий банда»лар илтимосчиларнинг талабини бажо келтириб, шу куниёқ 9860 сўмлик молни машинага юклаб беришди. Шу билан 24-магазиндаги маълум камоматнинг ўрни қопланган бўлди.

— Баракалла, чапдастликларингга қойилман! — эр-хотинни елкасига қоқди Пиримқулов.

Афсус, 24-магазиндаги турфа ҳангомалар энди йўққа чиқарилай деганда, 25-магазиндаги «меҳрибонлар»нинг ҳам бошига ташвиш тушди. «Магазинда инвентаризация ўтказилармиш», — деган гап тарқалиб қолди.

Тўрабек билан Абиба қаттиқ ташвишда. Бир томондан улар 24-магазинга бериб юборилган молларни ўйлашса, иккинчи томондан ўзлари ош қилиб юборган талай пулни ҳаёлларига келтиришарди.

—Абиба, қани юр, 24-магазинга борайлик, ҳалиги «қарз»га бериб турган молларимиз ёнига бош ўн минг сўмлик ундан қўшиб қайтайлик.

Иккалови кечаси соат 11-ларда Маҳкам Розиқовнинг уйига етиб боришди.

— Бошимизга иш тушиб қоладиганга ўхшайди, ёрдам бермасанглар бўлмайди. Ҳозироқ магазинларингизга бориб, мол олиб қайтамиз.

Саломга алик керак бўлди. Маҳкам Розиқов кўз олдида мўлтираб турган икки «бечора»нинг ҳолига раҳм қилиб, печатлоғлиқ турган магазинидан бира тўла 22786 сўмлик турли-туман молларни бериб юборди. Демак, энди 25-магазин 24-магазиндан роса 13026 сўм «қарз» бўлиб қолган эди.

Ойни этак билан ёпиб бўлмас экан. Тошкент область, Тўйтепа сельпосига қарашли 24 ва 25-магазинларда бўлиб турган бундай тала-талалардан тегишли орган ходимлари хабар топиб қолишди. Шундай қилиб, жиноятчиларнинг сирлари фош бўлди.

— Шўримизга шўрва тўкилди-ку!

Маҳкам Розиқов билан Мусаллам Аҳмаджонова бир томондан, Тўрабек Холмуҳамедов билан Абиба Раҳматуллаевалар иккинчи томондан бир-бирларига хасрат қилишади. Савдо соҳасига кириб олиб, бу соҳада ҳалол меҳнат қилаётган минг-минглаб савдо ходимлари номига доғ тушираётганларнинг қилмишларини ҳас-хашак билан ёпиб кетмоқчи бўлган инвентаризатор Алиқул Пиримқулов эса: «Хафа бўлманглар, азизлар. Бундай бўлишини қаёқдан билибмиз? Энди бошимизга шундай қор ёғибдими, фойдаси ҳам, зарари ҳам ўртада», деб юрибди.

Совет савдоси қоидаларини бузиб, халқ мулкини талон-тарож қилаётганлар албатта жазосини тортишади.

Усмон ЮСУПОВ.

ШАХМАТ

ЧЕМПИОН, МУТАСАДДИ, УСТОЗ...

Ўттизинчи йилларнинг охирларида ҳам ишни ёдимда. Шаҳар марказида «Шарқ» деган каттакон қизил чойхона бўларди. Саҳнаси ҳам бор. Вақт-вақти билан концертлар қўйиб, кинофильмлар кўрсатиб турилларди. Қизил бурчагида янги газета ва журналлар ҳамиша муҳайё. Навбатчи агитаторларни бамисоли артист дейсиз: хушовозлари ялтироқ ишқибозлари ҳам чойхўру шинавандалар таққа тўхтаб қолардилар...

Чойхонани чинакам шахмат клуби деса арзирди. Истаган киши столда ёки қип-қизил гиламлар тўшалган чорпояда шахмат суриши мумкин. Ҳар хил донали шахмат-тахтасидан камида эллик-тача бор эди чамамда. Бир вақтнинг ўзида гоҳо уч-тўрт жойда сеанслар бўлиб қоларди. Ҳар бирида 15-20 тадан бўлса, қанча тахта бўлади, ахир. «Шарқ»нинг биқинидаги кутубхонада шахмат сургингиз келса, яна бемалол, жуда тинч. Сал нарироққа қатор-қатор чойхона: кечкурунлари навбати билан асқия, ашула, газетхонлик ва албатта шахматбозлик. Бирортаси ёпиларми қолгудек бўлса, билингки, чойхоначи қизил бурчакка беҳафсалалик қилиб қўйган. Наманганни эсладим. Бошқа шаҳарларда ҳам шундай бўлгандир, албатта. Бунинг асл маъноси ва моҳиятини кейинроқ тушундим.

Архив материаллари, газета саҳифаларидан маълум бўлишича, партия ва ҳукуматимиз йигирманчи йилларнинг бошларидаёқ шаҳар ва қишлоқларда намунали қизил чойхоналар барпо қилишга катта эътибор берган. уларни ўзига хос қилиб, маърифат ўчоғига айлантиришга озмунча куч сарфламаган экан. Маданий-оқартув муассасалари ихтиёридаги чойхоналарга асло давлатга даромад келтирувчи савдо шохобчалари сифатида қаралмаган экан... Гапни узоқдан бошлаётганимнинг боиси бор, албатта. Чунки Марказий «Пахтакор» стадионидаги шахмат клубида муҳлислар бесабрлик билан кутган мусобақа бошланди. Ўзбекистоннинг илк чемпиони, ажойиб шахмат мутахассиси, устоз Азмиддин Ҳўжаев хотирасига бағишланган иккинчи турнир очилди.

Жонкуяр ташкилотчи Азмиддин ака ҳам ишни чойхоналардан бошлаган. 1925 йили Тошкент чойхоналарида ўтказилган турнирларда, 1926 йилги бир йўла сеансларда салкам икки минг ҳаваскор қатнашганлиги матбуот саҳифаларидан маълум...

Аммо бугунги кунда бирон-бир чойхонага кириб, мабодо шахматдан сўз очгудек бўлсангиз, «илтифотли» чойхоначининг ҳеч бўлмаса бир ҳўмрайишига дуч келасиз...

Устоз хотираси туфайли дилдаги баъзи гапларни айтиб ўтишни лозим топдик. Ўринсиз бўлмаса керак. Шахмат тахтаси ёнида кўнгил ёзишни истовчиларнинг фикри ҳам шу. Маҳоратини баъзан чойхона «гроссмейстерлари» билан бўлган мароқли учрашувларда тоблаган, «Ўзбекистон Чигирини» деган даражага етган Азмиддин Ҳўжаевни ўттизинчи йилларнинг бошида танимаган киши кам эди. Унинг номи бутун мамлакатга ёйилди. Орзуси республикамизда ақл-идрок ўйини — шахматни чинакам оммалаштириш, бунинг асосида моҳир усталар етиштириб чиқариш эди.

Мана, Азмиддин ака шогирдларининг шогирдлари мамлакатга донги кетган шахматчилар билан куч синашишга тушдилар. Мастерликка номзод Г. Аъзамов 19 ёшда. Ўтган йилги биринчи хотиравий турнирда у еттита спорт мастеридан ўзиб кетди. Турнир ғолиби халқаро гроссмейстер, бир вақтлар Азмиддин Ҳўжаев билан ҳам дока суришган Марк Таймановнинг маҳоратини юксак баҳолади. Ёш вакилимиз яқинда иккита Бутунittифоқ мусобақасида ажойиб ютуқларни қўлга киритди. Д. Қаюмовдан ҳам умидимиз катта.

Саккиз иттифоқдош республика вакиллари — машҳур гроссмейстер, мастерлар ва ёш талантларнинг катак тахталар узра олиб борадиган ижодий баҳсида икки тур орқада қолди. Ҳозирча Г. Аъзамовнинг қўли баланд.

М. МУҲИДДИНОВ,
мусобақа бош судьяси.

ЯНГИ ЖУРНАЛ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

КПСС Марказий Комитетининг адабий-бадиий танқид ҳақида қабул қилган қароридан сўнг ташкил топган, ҳар ойда чиқадиган «Литературное обозрение» журнали нашр қилинаётганига бир йилча бўлди. Танқид ва библиография журнадининг биринчи конференцияси Ўзбекистон Ёзувчилар союзида бўлиб ўтди.

Журнал бош редакторининг биринчи ўринбосари Н. Е. Пашкевич бу журналнинг бошқа адабий-танқидий нашрлардан фарқ қилувчи хусусиятлари ҳақида журналхонларга сўзлаб берди.

Мазкур журналнинг СССР халқлари адабиёти бўлимининг катта редактори Светлана Алиева Ўзбек адабиёти ҳақида эълон қилинаётган танқидчилик ва адабиётшунослик материалларини таҳлил этди. У Ўзбек қаламкашларини журнал саҳифаларида кенгроқ қатнашишга даъват қилди.

Журнал редколлегиясининг аъзоси профессор Лазиз Қаюмов идеологик кураш жабҳаларида буржуа «советшунослари»нинг кирдикорларига қақшаткич зарба бериш лозимлигини айтиб, танқидчи ва адабиётшуносларни адабиётда партиявийлик принципини изчиллик билан амалга оширишда журнал саҳифаларида фаол иштирок этишга чақирди.

Конференцияда ёзувчи ва танқидчилардан Пиримқул Қодиров, Адҳам Акбаров, Наби Раҳимов, Сазоҳиддин Мамажонов, Собир Мирвалиев ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар.

Ҳулди шундай ижодий учрашув — конференция Ўзбекистон ССР Маданият министрлигида ҳам бўлиб ўтди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 Янгиликлар. 10.10 — Мультфильм. 10.20 — **Экран ҳандаси.** 11.00—МОСКВА. 11.05—Янгиликлар. 11.10 — Ўқувчилар учун концерт. 11.40 — «Здоровье». 12.10 — Шу куннинг куйлари. 12.55 — Ота-оналар, сизлар учун. 13.30 — Акробатика бўйича халқаро мусобақалар 14.10 — «Шеърият». 14.40 — Кўплаб сифатли маҳсулот ишлаб чиқарайлик. 15.10 —Бадиий ҳаваскорлар концерти. 15.40 — Тележурнал. 16.10 — Мусиқали киоска. 16.45 — Мультфильмлар. 17.15 — ТОШКЕНТ. 17.25 — Мультфильмлар. 17.50 — «Бойчечак». 18.20 — Ахборот. 18.35 — Бадиий фильм. 19.50 — Ўн минут мусиқа. 20.00 — Ойбек лирикаси. 20.20 — Пахтакорлар минбари. 20.30 — Ахборот. 20.50—1973 йил СССР Давлат мукофоти лауреатлари. «Баҳор» ансамбли. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Кино оламида. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.30 — Ўқув кўрсатувлари. 14.00 —Бадиий фильм. 17.15 — МОСКВА. Цирк майдонида. 18.00 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 19.00 —Моҳир қўллар шаҳрида. 20.00 — **Бегона киши** (фильм-спектакль). 22.30 — Концерт. 23.15 — Ҳужжатли фильм. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.20 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/XI да **Травиата**, 25/XI да **Этим кийган мушук** (кундузи), **Тановар** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/XI да **Ўғирланган умр**, 25/XI да **Табассум ўғирлари** (кундузи), **Шоҳ Эдип** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/XI да **Замонали ва Омонали**, 25/XI да **Ҳалима**, 26/XI да **Лаҳма**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/XI да **Ташвишланманг онажон**, 25/XI да **Ойдин** (кундузи), **Беш кунлик куёв** (кечқурун).

КИНО

Эҳтиром ташрифи — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Қум карьери генераллари — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», ҲАМЗА номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «МИР» (кундуз ва кечқурун), «ВОСТОК» (жуфт соатларда).

Привалов миллионлари — «СПУТНИК» (17.00, 18.00, 20.00, 21.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (11.00, 13.30, 16.30, 19.15), «ДЎСТЛИК» (11.00, 14.15, 17.15, 20.15).

Жавоҳир маликасига ҳужум — «СПУТНИК» (11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00), «ДЎСТЛИК» (жуфт соатларда), «ВОСТОК» (тоқ соатларда).

Талантлар ва мухлислар — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Дунё (2 серия, ўзбек тилида) — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Садоқат (2 серия, ўзбек тилида) НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Булутлар ортида осмон — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Озодлик — нақадар нашъали сўз Р. ГУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

УЗБЕКИСТОН ССР ВА ҚИРГИЗИСТОН ССР ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ПАТЕНТ» ПОЛИГРАФИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БЎЛИМИ

1974 ЙИЛДА ПАТЕНТ ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШНИ

10 декабрда тугатади

15 СЕНТЯБРДАН 10 ДЕКАБРГАЧА ШАРТНОМА ТУЗГАН ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРГА БУЮРТМАЛАРНИ БАЖАРИБ БЕРИШ ВАҚТИ ГАРАНТИЯЛАНАДИ. 10 декабрдан кейин келган буюртмалар йиллик лимитдаги ишлар ва умумий мавзат тариқасида нм. кони борича бажарилади.

Справка учун адреслар:

700115, ГСП, Тошкент шаҳар, «Самарқанд-дарвоза» кўчаси, 62-уй;

712000, Фарғона шаҳри, Коммунистлар кўчаси, 62-уй.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ректорати, партия ва маҳаллий комитетлари ҳамда металлар технологияси кафедрасининг коллективи институт катта ўқитувчиси

Тўхта Зиёевич ЗИЁЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этадилар.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

26 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА — 12.15 МОСКВА. 18.20 — ТОШКЕНТ. 18.25 — Тележурнал. 19.15 — «АХБОРОТ» 19.30 — Оламда нима гап? 19.55 — Ўн минут музика. 20.05 — «АХБОРОТ». 20.25 — Концерт. 21.00 — «ВАҚТ». **Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қиладиган визитига доир.** 22.00 — **Душанба кўрсатувлари. «Пахтакорлар шон-шарафлари» Ўзбекистон пахтакорларининг меҳнат ғалабасига бағишланган кўрсатув ва концерт. ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.20 — МОСКВА 18.40 — Концерт. 19.20— Костёр. 19.50—**Номус** (бадиий фильм). 21.00—ТОШКЕНТ. 21.30— «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. 22.00—МОСКВА. Концерт. 23.40 — Ҳужжатли фильм. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** — 18.20 — **ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.**

27 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. —12.15 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.10 — Мультфильм. 18.30 — Спорт программаси. 19.00 — **«Ғалабангиз билан пахтакорлар!», Тожикистон пахтакорларининг меҳнат ғалабасига бағишланган кўрсатув ва концерт. 20.30** — Ахборот 21.00 — МОСКВА. «ВАҚТ. **Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонда бўлишига доир.** 22.00 — **Футбол: «ДИНАМО» (Тбилиси) — «ТОТТЕНХЭМ» (Англия).** 21.45 — «ВАҚТ». **Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонда бўлишига доир.** 22.45 — ТОШКЕНТ. **«ЧАШМА». ИККИНЧИ ПРОГРАММА** 18.00 — МОСКВА. 18.30 — Спорт мусобақалари. 19.30 — Жаҳон халқлари ижоди. 20.00 — ТОШКЕНТ. «Фан» программаси. 20.30 — Пахтачиликда техника тараққиёти. 21.00 — Рақслар гулдастаси. 21.25 — «Сиҳат-саломатлик». 21.55 — Ҳужжатли фильм. 22.15 — Концерт 22.45 — МОСКВА. Муслим Магомаев куйлайди. УЧИНЧИ ПРОГРАММА — 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Фильм-репортаж. 19.30— Ўқув кўрсатуви. 20.10 — Тошкент ва тошкентликлар. 20.50— **Бир умрга тенг йил** (бадиий фильмнинг 2-серияси).

29 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.15 — МОСКВА. 17.15—ТОШКЕНТ. 17.20— Мультфильм. 17.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.00—Миллионлар ленинча университети (Москва) 18.30 — Созанда ва мураббий. Аҳмад Одилов. 19.15 — «АХБОРОТ». 19.30 — Шеърият муҳлисларига 19.40 — «АХБОРОТ». 20.00 — Дўстлик экрани. 21.00 — «ВАҚТ». **Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонда бўлишига доир.** 22.00 — Тошкент чинни заводидан репортаж. 22.30 — Спектакль. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.15 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.30 — МОСКВА. **Футбол: «ДИНАМО» (Тбилиси) — «ТОТТЕНХЭМ» (Англия).** 19.15 — Концерт. 20.00 — **Рам ва Шам** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 21.00 — ТОШКЕНТ. 21.30 — Фильм-концерт. 22.00 — Ираклий Андроников ҳикоя қилади. 23.20 — Ҳужжатли фильм. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ТОШКЕНТ. Самбо кураши бўйича СССР кубоги учун мусобақалар. 20.00 — Тошкент янгиликлари 20.15 — Концерт. 20.55 — **Урмон қиссаси** (бадиий фильм).

30 НОЯБРЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.15— МОСКВА. 17.30 — ТОШКЕНТ. 17.40 Мультфильм. 17.50 — Ёш композиторлар. Ғани Ҳозиқов. 18.30 — Ўзбек шоирларидан янги таржималар. Нормурод Нарзуллаев шеърлари. 18.50 — «АХБОРОТ». 19.05 — Ота-оналар университети. 19.35 — Ўн минут музика. 19.45 «АХБОРОТ». 20.05 — Қишлов — чорвадор учун синов. 20.20 — Концерт. 21.00 — «ВАҚТ». **Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонда бўлишига доир.** 22.00 — Замондошларимиз — қаҳрамонларимиз. 22.50 — **Зор-интизор** (бадиий фильм). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.30 — МОСКВА. 18.30 — Ҳужжатли фильм. 18.50 — Қишлоқдаги учрашувлар. 19.20 — Концерт. 19.50 — **Рам ва Шам** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 21.00 — ТОШКЕНТ: «Азимут». 21.30 — Ҳужжатли фильм. 22.00 — МОСКВА. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.00 — ТОШКЕНТ. Самбо кураши бўйича СССР кубоги учун мусобақалар. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — Тошкентнинг бугуни ва эртаси. 21.20 — **Тик пиллапоялар** (бадиий фильм).

1 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.50 — Янгиликлар. 10.05 — Мультфильм. 10.20 — **Телеминиатюралар.** 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Болалар учун кўрсатув. 11.40 — Ҳиндистон санъат усталарининг концерти. 12.25 — Адабий ўқиш. 13.00 — Бадиий ҳаваскорлар концерти. 13.40 — Мактабгача ёшдаги болаларнинг ахлоқ-одоб тарбияси масалалари. 14.00 — Самбо кураши бўйича СССР кубоги учун мусобақалар. 14.45 — Муз устида Ленинград Давлат балети. 15.30 — «Здоровье». 16.00 — Мультфильмлар. 16.30— «Изланиш». 17.10 — ТОШКЕНТ 17.20 — «До-ре-ми-фа-соль» 17.50 — «Ешлик» кўрсатади. 18.25 — «АХБОРОТ». 18.40 — **Келинчак** (бадиий фильм) 20.00 — Андижон сув омбори қурилишида. 20.30 — «АХБОРОТ». 21.00 — Қўшиқ ёзувчи шоирлар. Собир Абдулла. 22.00 — «ВАҚТ». 22.45 — **Шум бола** (телеспектакль. 1-қисми). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.10 — МОСКВА. 17.40— Ҳужжатли фильм. 18.00— **Ҳайвонот оламида.** 19.00 — СССР халқ артисти М. И. Царевнинг чиқиши. 19.40 — Концерт. 20.40— **Эски таниш** (бадиий фильм). 22.00 — ТОШКЕНТ. 22.45 — МОСКВА. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — **ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.**

2 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — «До-ре-ми-фа-соль». 10.10 — **Бремен созандалари** (мультфильм). 10.30— «Светофор». 11.00 МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Будильник». 11.40 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.10 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 13.00 — Рус романси. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30— Ҳужжатли фильм. 15.30 — Мультфильмлар. 16.00 — Мусиқали киоска. 16.30 — Кинопанорама. 18.10 — ТОШКЕНТ. 18.15 —Мультфильм. 18.25 — «Янгра, барабан». 18.50 — «АХБОРОТ». 19.10 — Андижон сув омбори қурилишида. 19.40 — **Телеминиатюралар.** 20.20 — Халқаро панорама (Москва). 20.50 — «АХБОРОТ». 21.10 — Ёш ижрочилар концерти. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — «ЗЕҲН». **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.10 — МОСКВА. 18.40 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 19.40 — Оперетта ишқибозлари, сизлар учун.. 20.10 — Ҳужжатли фильм. 20.50 — **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси** (бадиий фильмнинг биринчи серияси). 22.00 — Киноэкран янгиликлари. 22.30 — **Телеминиатюралар.** УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.40 — **ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.**

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ● ТЕЛЕФОНЛАР

Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Б—276. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 02867